

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ

**5340100-иқтисодиёт таълим йўналиши IV курс 5-46 гуруҳ талабаси
БОЙМАТОВ ОБИДНИНГ**

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ
ТИЗИМИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ»
МАВЗУСИДАГИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:

«Иқтисодиёт»

Кафедраси мудири и.ф.н.

доцент О. Сатторқулов

«__»_____ 2014 й

Илмий рахбар:

«Иқтисодиёт» кафедраси

ўқитувчиси Д. Халимжанов

«__»_____ 2014 й

Гулистон- 2014

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодий факултети Умумийиқтисодиёт кафедраси

Йўналиш: 5340100 - Иқтисодиёт таълим йўналиши

«Тасдиқлайман»

Факултет декани _____

«__» _____ 2014 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Бойматов Обид

1. Ишнинг мавзуси: Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини кредитлаш тизими ва уни такомиллаштириш йўллари (миллий иқтисодиёт мисолида)

«__» _____ 20 й. ректорнинг -С сонли буйруғи билан тасдиқланган

2. Ишни топшириш муддати 25.05.2014й.

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи. 18.01.2014 й.
2. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. -304 б.
3. Ниязов Ф. Залоговый реестр – новые возможности для развития малого бизнеса. // Бозор, пул ва кредит. №6, 376, 2013й.
4. Насыров Ш. Кредитное – Новые задачи и перспективы. // Бозор, пул ва кредит. №6, 416, 2013й.

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

Ушбу асосий мақсадга мувофиқ куйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- кичик корхона ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги ва унинг аҳамиятини кўрсатиш бериш;

- хорижий мамлакатларда кичик субъектларини кредитлаш тажрибаси ўрганиш;

- Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш ҳолати таҳлил этиш;

- ОАТБ «Агробанк»да қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш амалиёти таҳлил қилиш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Чизма қисми материаллари рўйхати:

1. Республика қишлоқ хўжалигини асосий турдаги ресурслар билан таъминланиш даражасининг ўзгариш динамикаси
2. Республика қишлоқ хўжалигида 1 кг ўғит ва дизель ёнилғиси ҳисобига пахта хом-ашёси етиштириш динамикаси

6. Маслаҳатчилар:

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берди	Топшириқ қабул қилинди
1 бўлим	Доц.О.Сатторкулов		
2 бўлим	Доц.О.Сатторкулов		
Кириш ва хулоса	Доц.О.Сатторкулов		

7. Битирув иши бажариш режаси:

№	Босқичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилг анлик белгиси
	БМИ мавзуси бўйича асосий ва махсус адабиётлар билан танишиш	20.12.- 31.12.13	
	БМИ режасини тузиш	1.01.- 5.01.14	
I-боб.	Иқтисодиётда қишлоқ хўжалигисубъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари	4.01.14- 20.01	
1.1.	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигисубъектларини ташкил этиш ва уни кредитлашнинг аҳамияти.	6.01.14- 20.01	
1.2.	Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш тартиби.	21.01.14- 10.02	
1.3	Банк самарадорлигини оширишда малакали кадрларнинг тутган ўрни.	11.02.14- 01.03	
2- боб.	Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш ҳолати таҳлили ва такомиллаштириш йўналишлари	02.03.14- 17. 03.	
2.1.	Ўзбекистонда банк тизимини эркинлаштириш ва ислох =илишнинг асосий йўналишлари	02.03.14- 21.03.	
2.2.	Қишлоқ хўжалиги корхоналарини самарали кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари	22.03.14- 05.04	
2.3.	ОАТБ «Агробанк»да қишлоқ хўжалиги кохоналарини самарали кредитлашда кредит таъминоти шакллариининг ўрни.	06.04.14- 20.04	
2.4.	ОАТБ «Агробанк»да кичик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари	21.04.14- 10.05	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	13.05.14й.	
	Кириш ва хулосани тайёрлаш	29.05.14й.	
	Иловалар		
	БМИ химояси		

Битирув иши раҳбари: _____ ўқ. Халимжанов Д

Кафедра мудири: _____ доцент Сатторкулов О.Т.

Топшириқни бажаришга олдим: _____ Бойматов О.

« ____ » _____ 2014 йил.

ГДУБ-6-164. н. 1000-2007 й.

Мундарижа

	Кириш
I боб.	Иқтисодиётда қишлоқ хўжалигисубъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари
1.1.	Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигисубъектларини ташкил этиш ва уни кредитлашнинг аҳамияти.
1. 2.	Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш тартиби.
1.3.	Банк самарадорлигини оширишда малакали кадрларнинг туттан ўрни.
II боб.	Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш ҳолати таҳлили ва такомиллаштириш йўналишлари
2.1.	Ўзбекистонда банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ =илишнинг асосий йўналишлари
2.2.	Қишлоқ хўжалиги корхоналарини самарали кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари
2.3.	ОАТБ «Агробанк»да қишлоқ хўжалиги кохоналарини самарали кредитлашда кредит таъминоти шаклларининг ўрни.
2.4.	ОАТБ «Агробанк»да кичик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари
	Хулоса ва таклифлар
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда замонавий бозор иқтисодиётини барпо этиш борасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилаётган бўлиб, тадбиркорлик ва хусусий мулкка асосланган қишлоқ хўжалиги субъектларининг ривожланишига кенг имкониятлар тизимининг яратилаётганлиги бунинг яққол исботи бўла олади. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу сектори дунёнинг деярли барча мамлакатлари ва минтакаларида асосий ривожланиш манбаига айланган.

Қишлоқ хўжалиги субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг, энг аввало жамиятни ижтимоий ва сиёсий янгилаш, шунингдек аҳоли фаровонлигини ва бандлигини ошириш, ички истеъмол бозорини миллий маҳсулотлар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни сифат даражасига кўтариш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг бош дастаги ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги ва хусусий субъектларининг ўрни ва аҳамияти муҳим саналиб, уларни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш асосий масалалардан бири сифатида қолмоқда. Шундай экан қишлоқ хўжалиги субъектларини ривожлантиришга ва рағбатлантиришда асосий омиллардан бири-уларнинг хўжалик, молия-кредит механизмларини соддалаштириш ва такомиллаштириш, уларда молиявий бошқарувни ташкил этиш ҳисобланади.

Ҳозирда қишлоқ хўжалиги фаолиятини кенгайтириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда ва уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида микромолиялаш хизматлари кенгайтирилмоқда. Шунга қарамай, ҳамон қишлоқ хўжалиги субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби, ажратилаётган кредитларнинг амалий таҳлили ва улардаги мавжуд

муаммоларни ўрганиш зарурдир.

БМИнинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш билан боғлиқ муаммолар бўйича ўзининг муҳим ҳиссаларини қўшган хорижлик олимлари каторига В.Афанасьев, В.А.Рубе, Л.С.Бляхман, Ю.Кочеврин, В.Рамзес, Л.И.Разумнова, А.Шулус, В.С.Пучков, С.Абляев, Ф.Хайек, Р.С.Беков, З.И.Благова, А.А.Ирбашева ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг молия-кредит масалаларини ўрганишда Республиканинг бир қатор иқтисодчи олимлари Ё.А.Абдуллаев, Ш.З.Абдуллаева, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Х.Р.Собиров, М.Ш.Шарифхўжаев, А.Ў.Ўлмасов, А.Қ.Қодиров, С.С.Ғуломов, Д.Ғ.Ғозибековларни кўрсатиш мумкин. Иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, кичик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш масалалари амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ва ушбу соҳадаги иқтисодий адабиётларда ҳамда олимларнинг илмий асарларида тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Демак, бу соҳада жиддий, илмий изланишлар олиб бориш кераклигини тақозо этади.

БМИнинг мақсад ва вазифалари. БМИнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу асосий мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- кичик корхона ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги ва унинг аҳамиятини кўрсатиш бериш;

- хорижий мамлакатларда кичик субъектларини кредитлаш тажрибаси ўрганиш;

- Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш ҳолати таҳлил этиш;

- ОАТБ «Агробанк»да қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш амалиёти таҳлил қилиш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

БМИ предмети ва объекти. Мазкур БМИнинг ўрганиш объекти қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобланади. БМИ предмети эса қишлоқ хўжалиги субъектларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлардир.

БМИнинг назарий ва услубий асослари. Илмий изланишнинг назарий методик асосларини хорижий ва иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига доир асарлари ташкил этади.

БМИ предметини тадқиқ қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида илгари сурилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича назарий қарашлар, иқтисод фани асосчилари ва намоёндаларининг асарлари, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва мутахассисларининг қишлоқ хўжалиги субъектлари молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалари олинди.

Тадқиқотлар давомида иқтисодий жараёнларни англашнинг мантиқий хулосалаш, таҳлил ва синтез қилиш, кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш статистик маълумотларни таққослаш каби усул ва услублардан фойдаланилди.

БМИнинг илмий янгилиги. БМИнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

-қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш манбалари аниқланди;

-қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредитлар таъминоти таҳлил қилиниб, улар билан боғлиқ муаммолар аниқланди;

БМИнинг амалий аҳамияти. БМИнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, баён қилинган фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлардан иқтисодий олий ўқув юртларида банк ва қишлоқ хўжалиги бўйича фанларни ўқитишда фойдаланилиши мумкин.

БМИ кириш, иккита боб, хулоса ва таклифлар адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги субъектларини ташкил этиш ва уни кредитлашнинг аҳамияти.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги субъектларини ташкил этиш ва унинг кредитлашнинг аҳамияти Хурматли юртбошимиз таъкидлаб ўтган қуйидаги сузларда тулиқ уз ифодасини топган:

Қуйидаги йўналишларга асосланган “Қишлоқ хўжалиги йили” Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин:

-мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли қафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсик ва ғовларни олиб ташлаш, қишлоқ хўжалиги субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

-давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

-кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, қишлоқ хўжалиги субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотузарар жой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

-қишлоқ хўжалиги соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш,

ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

-қишлоқ хўжалиги субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

-қишлоқ хўжалиги ни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

-саноат тармоқларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

-қишлоқ хўжалиги субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

-қишлоқ хўжалиги субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултатив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш. Тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришларга;

-қишлоқ хўжалиги субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари-энергия ва газ таъминоти, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига;

-тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотураржой хоналар ажратиб бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшиланганига;

-қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортиқча чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш борасидаги ишларнинг аҳволи қай тарзда ўзгараётганига;

-қишлоқ хўжалиги субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратиш лозим .

Бугунги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги динамик ўсишни намоён этмоқда. Республика ҳукумати томонидан маҳаллий тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган фаол чора-тадбирлар натижасида, мамлакат ЯИМда қишлоқ хўжалиги нинг салмоғи тахминан 54 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиётни мазкур секторини ривожлантиришга кўмаклашишда мамлакат тижорат банклари муҳим роль ўйнайди. Жорий вазият ҳамда қишлоқ хўжалиги ни банк томонидан кредитлашнинг келгуси истиқболлари ҳақида қуйидаги фикрлар ўринлидир.

Қишлоқ хўжалиги , кичик корхоналар, хусусий фирмалар каби тушунчалар бозор иқтисодиёти лексикасининг ажралмас қисмига айланган. Булар қандай тушунчалар, кичик корхоналарнинг шаклланиш асоси ва улар фаолиятларининг тамойиллари нималардан иборат?

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга шахсий ва бошқа шахсларнинг жалб қилинган мулклари асосида шахсий меҳнатни ва ёллаш бўйича меҳнатни қўллаш воситасида таваккалчилик ва мулкый жавобгарлик остида фойда (даромад) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар хусусий тадбиркорликнинг субъектлари бўладилар.

Юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Кичик корхоналар қуйидагича ташкил қилинишлари мумкин:

- фуқаролар, оила аъзолари ва бошқа шахслар томонидан;

- давлат, ижара, жамоа, ҳиссадорлик жамиятлари, хўжалик ассоциациялари, қўшма корхоналар ва бошқалар томонидан;
- жамоат ташкилотлари томонидан;
- айтиб ўтилган идораларнинг ҳамкорлиги асосида;
- мулк эгасининг розилиги билан жамоа ташаббуси бўйича амалдаги корхоналар таркибидан ажралиб чиқиш натижасида.

Бундан ташқари, кичик корхоналар, бирлашмалар ва корхоналарнинг ташаббуси билан (монополияга қарши идоранинг қарори бўйича) мажбуран ташкил қилинишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги нинг фаолияти соҳаси кенг ёйилган бўлиб, у хўжалик фаолиятининг барча турларини (агар улар қонун томонидан ман этилмаган бўлса) омалга ошириши мумкин. У битимлар тузиш, мулкни харид қилиш, ташқи бозорга чиқиш, савдо воситачилиги ва бошқа битимларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Қишлоқ хўжалиги бу хўжалик юритишнинг мустақил мавжуд бўладиган ва фаолият юритадиган шаклидир. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва турларини мустақил белгилаши, уни ўз ихтиёрига кўра сотиши, товарлар ва хизматларга нархларни белгилаши, ривожланиш фондлари, ижтимоий соҳа, резерв фондига фойда ажратмаларининг меъёрларини белгилаши, ёлланма ходимлар меҳнатларша ҳақ тўлаш шакллари ва миқдорларини мустақил белгилаши мумкин.

Барқарор фаолият юритиш мақсадларида кичик корхоналар, уюшмалар бирлашишлари, ҳар хил кооперативларнинг таркибига киришлари мумкин.

Шундай қилиб, кичик корхона хўжалик юритувчи субъектнинг янги шаклидан иборат эмас. У бошқа корхоналардан фақат кичикроқ кўламлари билан фарқланади, холос.

Қишлоқ хўжалиги нинг мезонларини белгилаш зарурияти кичик корхоналарнинг давлатнинг жиддий ёрдамига муҳтожлигидан келиб чиқади, бу ёрдам адресли бўлиши ва корхоналар фаолиятининг белгиланган томонларини яхшилашга йўналтирилиши керак. Кичик корхоналарни алоҳида

категорияларга ажратиш улар фаолиятини ўрганиш ва самарадорлик даражасини таҳлил қилиш, уларнинг иқтисодиёт умумий тизимидаги ўрни ва ролини аниқлаш учун зарур.

Ходимларнинг сони кичик субъектларининг асосий кўрсаткичидир. У фирманинг барча ходимларини, шу жумладан, шартномалар бўйича ва ўриндошлик бўйича ишловчиларни ҳақиқатда ишланган вақтини ҳисобга олиш билан ҳамда вакилликлар, филиаллар, корхонанинг бошқа ажратилган бўлинмалари ходимларини ҳисобга олиш билан аниқланади.

Белгиланган сондан ошиб кетган ҳолда кичик корхона ошиб кетишга йўл қўйилган давр ва кейинги уч ой давомида имтиёзлардан маҳрум бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ни кредит билан таъминлаш деганда, бу уларга пул ёки товар шаклидаги воситаларни маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар тушунилади.

Кредит муносабати икки субъект бири – пул эгаси, яъни қарз берувчи; иккинчиси – пулга муҳтож, яъни қарз олувчи ўртасида юзага келади. Кредит, товар ва пул кўринишидаги маблағларни қайтариб бериш, муддатлилик ва фоиз тўлаш шартлари асосида бериш натижасида юзага келади.

Кредит берилиш муддатига кўра, уч турга бўлинади:

1. Қисқа муддатли кредитлар (муддати бир йилгача бўлган кредитлар).
2. Ўрта муддатли кредитлар (муддати бир йилдан уч йилгача бўлган кредитлар).
3. Узоқ муддатли кредитлар (муддати уч йилдан ортиқ бўлган кредитлар).

Халқаро кредитлар берилиш муддатига кўра бирмунча фарқ қилади. Бунда бир йилдан беш йилгача муддатга берилган кредитлар ўрта муддатли, беш йил ва ундан ортиқ муддатга берилган кредитлар узоқ муддатли кредитлар деб ҳисобланади.

Кредит субъектлари ҳар хил бўлиши мумкин. Буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради.

Кредит объекти-бу ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

Бўш пул уч хил бўлади:

- тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул, яъни капитал;
- аҳоли қўлидаги пул-эртами-кеч эҳтиёжни қондириш учун тўпланган пул, эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш воситаси;
- давлат ихтиёридаги пул. Бу пул ҳам капитал (давлат корхонаси учун), ҳам умумий истеъмол пулидир.
- хом-ашё, ёқилғи ва материаллар учун олдин сарфланган пул товар сотилиши билан эгасига қайтиб берилади, лекин уларни янгидан сотиб олиш шу вақтнинг ўзида юз бермайди. Аммо бу маблағлар дастлаб жорий сётга келиб тушади. Бу ресурслар депозит қилиб расмийлаштирилгандан кейингина кредит ресурслари сифатида ҳисобга олинади;
- фойдадан ажратилган ижтимоий фондлар пулининг келиб тушиш вақти билан ишлатиш вақти ҳам тўғри келмайди, натижада пул бўш қолади;
- иш ҳақи пулининг келиб тушиши ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Маълумки, товар сотилгач, пул тушиб тураверади, иш ҳақи ҳар куни эмас, ҳар 15 кундан сўнг берилади. Натижада, иш ҳақи фондининг пули ҳам бўш туриши мумкин;
- фуқароларнинг истеъмолчи сифатида қариликни таъминлаш, қимматбаҳо товар олиш, саёҳат қилиш ёки катта маросим ўтказиш учун жамланган пули бўлади, у етарли микдорга боргунча, ёки ишлатиш фурсати келгунча бўш туради;
- давлат бюджетига пул даромадларининг келиб тушиши ва уларнинг сарфланиши ҳам бир вақтда юз бермайди;
- турли-туман хайр-эхсон ва суғурта пулларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши ҳам турли вақтда юз берганидан, унинг бир қисми сарфланмай, бўш туриб қолади.

1. 2. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш тартиби

Сўнгги ўн йил ичида дунёда молиявий-кредит кўринишлари фаолиятининг турли диверсификацияга бўлган интилиши сезилмоқда. Бу кенг истеъмолчилар талабини имкон қадар ҳисобга олиш билан боғлиқ. Хусусан, микрокредитлаш жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида кенг ривож топди. Сўнггиси ўзининг мақсадига кўра анъанавий кредитлашдан сезиларли даражада фарқ қилади, бу микрокредитлаш технологияси кредит маҳсулотларда ҳам акс этади. Микрокредитнинг ўзига хос томонлари ўтиш иқтисодиётини бошдан кечирувчи мамлакатлар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Микрокредитлашга бўлган маълум қизиқиш Ўзбекистонда ҳам ортиб бормоқда. Бандлик ва даромаднинг қисқариши, бизнес асосларини яхши билмаслик унга қарши курашишда ишлатиладиган воситаларнинг аҳамиятини янада оширмоқда. Бу ўз навбатида яшаш тарзи даражасини кўтаришга ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантиришга хизмат этади. Сўнгги икки йил ичида республикада банк хизматининг бир тури сифатида микрокредитни шаклланишини рағбатлантирувчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар чоп этилди. Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар томонидан таъминланувчи пилот лойиҳа доирасида банкдан ташқари тизимидагилар томонидан микрокредит бериш ишлаб чиқилмоқда. Аммо кредитлашнинг бу тўрини шаклланиши жараёнида республикада янги баъзи бир методологик ва ташкилий-ҳуқуқий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Микрокредитлаш аҳоли кам таъминланган қисмининг меҳнат фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий ёрдамнинг тури сифатида 70 йилларнинг бошида Жанубий-Шарқий Осиё (Бангладеш, Индонезия, Индия)да пайдо бўлган. У меҳнат даромадининг доимий манбаини юзага келтириш мақсадида имтиёзли кредит (кам фоиз билан узоқ муддатга) бериш орқали амалга оширилди. Лекин фоиз ставкасининг пастлиги қарзга берилган маблағнинг инфляциядан зарар кўрган қисмини

ҳам қопламаганлиги сабабли, ресурсни «еб битириш» хавфи туғилди. Аҳолининг кам таъминлаган қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган субсидланган фоиз ставкалар бозорнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатди ва коррупциянинг авж олиши учун замин яратиб берди. Шу муносабат билан имтиёзли фоиз ставкалар доимий ва эришиш осон бўлган кредитлар, бенефициарларнинг талабларига тўлиқ жавоб берадиган кредит молларини юзага келтириш билан алмаштирилди.

Дастлабки кезларда микрокредитлашнинг вазифаси анча тор бўлиб, ривожланувчи мамлакатларда фақат камбағалликдан қутулиш курили сифатида фойдаланилган. Бироқ, микрокредитлаш бўйича тажриба ортиши билан унинг доираси ва мақсадли йўналиши кенгайди ва ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатларда ундан (1) кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш; (2) одатдаги таъминловчи манбага эга бўлмаган микроташилотларга молиявий-кредит хизмати кўрсатиш; (3) қишлоқ хўжалиги га ёрдам бериш бўйича қурол сифатида фойдаланилмоқда. Мазкур уч масаланинг муҳимлиги у ё бу мамлакат ўзининг ижтимоий иқтисодий тараққиётининг маълум бир даврида кўзлаган мақсадидан келиб чиқиб белгиланади.

Кредитлашнинг асосий принциплари (муддатлилик, тўлов қарзни қайтариш) билан бир қаторда микрокредитлаш ўзга хос хислатларга ҳам эга:

-Мижозларнинг махсус гуруҳлари (кам таъминланганлар, лекин иқтисодий жиҳатдан аҳолининг фаол қатлами; кенгайишни бошлаган ё кенгайишни режалаштирган микроташилотлар; бошқа таъминловчи манбага эга бўлмаган кичик корхоналар);

-Таъминотнинг одатдан ташқари гуруҳли кафолат каби кўринишидан фойдаланиш, яъни гуруҳли кредитларни ташкил этиш, унда гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси олинган қарзни қайтаришни кафолатлайдилар;

-Кредитни босқичма-босқич - кичик микдордан бошлаб катта микдорга қараб бериш;

-Микрокредитлашни одатдагидек микромолиявий институтлар

воситачилигида мижозларни тадбиркорлик малакасига ўргатиш билан бирга ташкил этиш. Шу муносабат билан микрокредитдан фойдаланувчиларга нисбатан одатда хавф даражаси юқори бўлган тоифага қарагандек қаралади. Жаҳон тажрибасида микрокредитлашнинг махсус методологияси ёки микрокредит олувчиларга хизмат кўрсатиш тизими ва тартиби ишлаб чиқилган.

Якка тартибда кредитлаш методологияси одатда тижорат банклари томонидан қўлланиладиган усулни ўзгартирилган кўринишидир. Олинадиган қарзлар мол-мулк билан қафолатланади; мижозларнинг кредит тарихи ва уларга берилган тавсиялар текширилади; қарз беришда таъминланаётган бизнеснинг яшашга қодирлигини синчиклаб ўргангандан сўнг кредит берилади; ММИ (микромоллиявий институт) мижозлар билан алоқада бўлишга ва муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Мазкур методологиянинг одатдаги кредитлашдан фарқи унда маслаҳат бериш ва ўргатиш каби унсурларнинг мавжудлигидир.

Гуруҳ бўлиб кредитлаш методологиясига кўра банк ходимлари томонидан бажариладиган вазифалар кредит гуруҳи зиммасига юкланади, унинг шаклланиши бўлса микрокредит ташкилоти ходимининг ташаббусига кўра юз беради. Гуруҳ мижозларни ўзи текширади ва унинг таркибига қим қилиши мумкинлигини ўзи ҳал этади; гуруҳ аъзолари бир-бирининг бизнесини ва кредитни қайтариш имкониятларини баҳолашади; кредитлаш

аста-секин кўпаювчи, унча катта бўлмаган миқдорда қарз бериш йўли билан амалга оширилади; олинган қарзни қайтариш гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан қафолатланади; қарзни ўташ муддати бузилганда ёки тўланмаса гуруҳ то қарзини тамоман узмагунича навбатдаги кредитни олиш имкониятидан маҳрум этилади. Баъзи қишлоқ жойларда ишловчи ММИларда гуруҳларга қарзнинг ҳамма қисмини бериш модели қўлланади ва гуруҳ қарзни аъзоларига қай тартибда беришни ўзи ҳал этади.

Жаҳон экспертларининг таъкидлашича, гуруҳ бўлиб кредитлаш методологиясининг ўзига хос бўлган камчилик ва ютуқлари бор. Бу

методологиянинг устиворликлари:

- Кўламининг кенглиги. Гаров асосида кафолатлаш ўрнига гуруҳ бўлиб кафолатлаш принциpidан фойдаланиш ММИларига ўз ишларини жамиятнинг нисбатан кам таъминланган, гаровга қўядиган нарсаси йўқ катламларида тарқатиш имконини беради.

- Самарали текшириш ва мониторинг. Кредит гуруҳи ўз аъзолари устидан бўлган назоратни таъминлайди. Гуруҳ аъзолари бир-бирини яхши танигани учун ММИ назоратига нисбатан бу текшириш одатда самарали кечади.

- Иш юритиш учун кам сарф - харажат қилиш. Бу гуруҳ кредит бериш жараёни (кредит гуруҳини шакллантириш, ўрганиш ва мониторинг)да маъмурий ишларнинг бир қисмини ўз зиммасига олади.

- Гуруҳ аъзоларининг ўзаро бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари. Бу ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди ва ММИ тарафидан кўрсатиладиган консултиватив хизматга бўлган эҳтиёжни камайтиради.

- Санаб ўтилган омиллар кредит бўйича тўловлар даражасини юқорисини ва фоиз ставкалари бўйича қуйисини таъминлайди.

Шу билан бир қаторда гуруҳ кредитлаш услубининг ўзга хос баъзи камчиликлари ҳам бор. Дастурнинг яхши ё ёмон ишлаши кредитлаш жадвалини нечоғлик яхши ташкил этилганига боғлиқ. Баъзан иш юритиш учун кетадиган сарф-харажат камайтгани борасида шубҳа билдирилади, чунки ММИ гуруҳни ташкил этишни осонлаштириш мақсадида менеджмент соҳасида баъзи тайёргарлик ишларини олиб боради. Мижозларнинг сарф-харажатлари бўлса уларни гуруҳ мажлисларида қатнашиши сабабли ва гуруҳнинг бошқа аъзолари фаолиятини назорат этиш зарурати туфайли ортиб бормоқда. Бунинг устига гуруҳларни кредитлаш жадвали кишиларнинг талабига жавоб бермаслиги мумкин. Уларнинг баъзи бирлари шахсан кредит олиш тарафдоридирлар. Гуруҳ аъзоларининг эҳтиёжларини ортиб бориши муносабати билан ҳам боғлиқ муаммолар мавжуд. Чунки аъзолардан бири «ўсиб», нисбатан каттароқ кредитга мухтож бўлса, гуруҳ унга кафолат

беролмайди. Шунингдек, гуруҳ аъзоларининг муқим турмаслиги билан боғлиқ муаммолар ҳам юзага келиб туради.

Гуруҳли кредитлаш ҳамфикр гуруҳлар орқали кредитлаш ва ижтимоий ташкилотлар орқали микрокредитлаш каби бўлинмаларга ажратилади. Улар асосан микромолиявий институтлар билан ўрталарида бўлган ўзаро муносабатлари билан фарқланади. Биринчи ҳолатда фикрдош гуруҳлар олинган кредитни ўз вақтида қайтаришни таъминлаш учун восита вазифасини ўтайди, микрокредитлаш услуги қарз олувчилар билан ММИ уртасида узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишга асосланган. Микрокредитлаш ижтимоий ташкилотлар (кредит уюшмалари, ассоциациялар, қарз олувчиларнинг ихтиёрий бирлашмалари) орқали амалга оширилганда, қарз олган шахс айна бир пайтнинг ўзида мазкур ташкилотни тузувчилар сирасида бўлади деб мўлжал қилинади (бу эса маблағни қайтарилишини таъминловчи қўшимча омилдир).

Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларни кредитлаш билан боғлиқ, муносабатларни тартибга солиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожланишини рағбатлантириш учун ҳуқуқий асос фаол яратилмоқда.

Қабул қилинган ҳужжатлар сирасида «микрокредитлаш» термини кенг ишлатилган меъёрий далолатномалар мавжуд. Бу далолатномаларга мувофиқ, микрокредит деганда яқка тартибда ишловчи тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари учун ҳажми - 5.000\$ гача (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки курси бўйича), ўз фаолиятини юридик ҳуқуққа эга шахс сифатида олиб боровчи фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари учун - 10.000\$ гача бўлган ҳажмдаги кредит тушунилади. Банк 3 йил муддатга микрокредит беради. Кредит миқдорнинг депозит ҳисоб рақами очилган жойда берилади. Нақд пул билан микрокредитнинг 50% гача бўлган қисми 18 ой ичида тўлаш шарти билан берилиши мумкин. Микрокредит савдо воситачилик фаолиятини амалга ошириш учун берилмайди.

Юридик ҳуқуққа эга бўлган қишлоқ хўжалиги эгалари микрокредит

олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- кредит олиш учун ариза;
- маблағ нимага ишлатилиши албатта кўрсатилган бизнес-режа;
- солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерлик баланси.

Юридик ҳуқуққа эга бўлмаган якка тартибда ишловчи тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларидан эса қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

- микрокредит олиш учун сўралаётган кредит суммаси кўрсатилган ариза;

- олинадиган кредит нима мақсадда ишлатилиши албатта кўрсатилиши лозим бўлган бизнес-режа;

- шунингдек, қарз сўровчи қарзини ўз вақтида қайтара олмаса, олган қарзини қоплаши мумкин бўлган моли бўлиши керак. Гаровдаги молга қўйиладиган талаб-у харидорбоп бўлиши керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қарз сўровчи банкка гаров сифатида ҳужжатларда кўрсатилган мулкнинг қуйидаги турларидан бирини тақдим этиши лозим:

- мол-мулки ёки қиммат баҳо қоғозлар;
- банк ё суғурта ташкилотининг кафолати;
- учинчи шахс кафолати;
- қарз олувчи қарзини тўлолмай қолган тақдирда унинг қарзини тўлашни кафолотловчи суғурта компаниясининг полиси;
- маҳалла, қишлоқ, овул томонидан берилган кафолатнома.

Меъёрий ҳужжатларда қишлоқ хўжалиги ва микро тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида микрокредитдан фойдаланиш учун фоиз ставкалар бўйича маълум чегаралар белгиланган: агар маблағ банк даромадининг 25 % ини ажратиш ҳисобига юзага келган имтиёзли кредитлаш фондидан берилса, амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50%идан ошмаслиги лозим. Бу ўринда банкларга кичик ва ўрта бизнесни кредитлашдан ва микрокредитлар учун кредит папкасини кўпайтириш учун йўналтирилган маблағдан тушган даромадга нисбатан имтиёзли солиқ

берилади. Агар маблағ бюджетдан ташқари кредит линиялари ҳисобидан ажратилса, унда имтиёзли фоиз ставкалар мазкур фондлар билан келишилган ҳолда белгиланади. Ҳозирги кунда улар йилига 8-10% оралиғида турибди.

2006 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинган "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ижро этилишини таъминлаш мақсадида тайёрланган.

Лойиҳани тайёрлашда кредит уюшмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича 2002 йил "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган даврдан буён йиғилган тажрибалардан фойдаланиб, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ва сабаблар ўрганиб чиқилди.

Маълумки, 2002 йилнинг апрел ойида Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, нобанк молиявий институтлар тизимини ривожлантириш йўлида муҳим қадам ташланди.

Ҳозирги кунда кредит уюшмалари миллий кредит тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар банк тизимини тўлдирган ҳолда уй хўжаликларини пул маблағлари билан таъминлайди. Агарда дастлабки вақтларда кредит уюшмалари майда товар ишлаб чиқарувчилар (деҳқон, хунарманд, тегирмончилар)ни кредитлаш билан шуғулланган бўлса, ҳозирга келиб ривожланган давлатларда кредит уюшмалари ўз аъзоларига замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кенг турдаги молиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда ва ҳаттоки тижорат банклари бошқа молиявий компаниялар билан бемалол рақобат қилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, замонавий кредит тизимининг самарали ишлаши кредит уюшмаларининг тараққиётига

боғлиқдир. Бу тизимнинг ўзи хўжалик юритувчи шахсларни ҳозирги муомалада бўлган бўш пул маблағлари билан энг кўп даражада таъминлашга кодирдир.

Кредит уюшмаларининг фаолияти уларнинг фалсафасини ташкил этадиган қуйидаги тағзаминли тамойилларга асосланади:

- ихтиёрийлик асосида аъзо бўлиш;
- демократик бошқариш;
- аъзоларнинг иқтисодий қатнашуви;
- ўзини ўзи бошқариш;
- таълимот жараёнининг узлуксизлиги;
- бошқа кредит уюшмалари билан ҳамкорлик;
- маълум бир ҳудудга боғланганлик.

Мазкур таъмойиллар 90 - йилларда кредит кооперативлари халқаро альянси томонидан тасдиқланиб, бугунги кунда барча кредит кооперативлари фаолиятининг асоси деб ҳисобланади.

"Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ кредит уюшмаларининг фаолияти лицензиялар асосида амалга оширилмоғи зарур. Бу ўринда кредит уюшмалари улар давлат рўйхатидан ўтиши биланок юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишини таъкидлаб ўтиш лозим. Шундай қилиб, Ўзбекистан Республикаси Марказий банки зиммасига кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш юзасидан ваколатлар ҳам юкланган.

Республикада кредит уюшмалари чет эл тажрибасини ҳисобга олиб, халқаро молия ташкилотлари кўмагида шаклланмоқда. Мана уч йилдирки, Кредит уюшмалари жаҳон кенгаши маслаҳатчилари билан биргаликда, Осиё тараққиёт банкининг техникавий ёрдами билан Ўзбекистонда жамғарма ва кредит уюшмаларини бунёд этиш учун иш авж олиб кетди.

Ҳозирги вақтда Марказий банк томонидан қабул қилинган қонун асосида, кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиб турадиган ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилди. Жумладан, кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва лицензия бериш тартиби, кредит уюшмалари томонидан

молиявий операцияларни ўтказиш қоидалари, кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида, кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, кредит уюшмалари сифат жиҳатдан янги ташкилот бўлганлигини инобатга олган ҳолда ва ташаббускор гуруҳлар юридик ҳужжатларни расмийлаштириш вақтида қийинчиликка учрамаслиги мақсадида Марказий банк томонидан кредит уюшмалари юридик ҳужжатларининг намунавий шакллари, жумладан, кредит уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги аъзолар умумий йиғилиши мажлис баёни, кредит уюшмаси устави ва бизнес-режаси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда кредит уюшмаларини шакллантириш ва ривожлантириш стратегияси кредит уюшмаларининг инфратузилмасини бунёд этишни назарда тутадик, бу инфратузилма ягона тизимга бирлашган кенг тармоқли филиалларга эга бўлмоғи зарур. Ана шундай инфратузилманинг бунёд этилиши аҳолининг кенг қатламларига, шу жумладан, кам таъминланган оилаларга молия-банк хизматларидан фойдаланиш республиканинг молия тизимини мустаҳкамлашга туртки бўлади. Бу республикада минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштиришга ва кенгайтиришга ёрдам беради.

Таклиф этилган моделга мувофиқ, кредит уюшмаларининг фаолияти кичикроқ микдордаги депозит маблағларни сафарбар этишга мўлжаллангандир. Кейинчалик эса бу маблағлар кредитлар шаклида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, уй-жой қурилишига, шунингдек, ўз аъзоларининг турли-туман эҳтиёжларини қондирмоқ учун қишлоқ хўжалиги равнақига кўмаклашишига сарфланади.

1.3. Банк самарадорлигини оширишда малакали кадрларнинг тутган ўрни

Ҳар бир мамлакат келажаги, унинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва мавқеи ҳамда фуқароларнинг фаровонлиги, аввало, шу мамлакатда ўсиб, улғайиб, билим олаётган кадрларга боғлиқ.

"Виз олдмишга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир — оқибат, барибир кадрларга бориб такалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга қим қилишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрларни тайёрлашимизга боғлиқ". Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ушбу мулоҳазалари халқ хўжалигининг барча жабҳалари қатори банк тизими учун ҳам тўла таалуклидир. Зеро, Республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма — босқич ўтиш йўлини танлаб, бу йўлдан борар экан, иқтидорли, билимли, илғор фикрли ёш кадрларга бўлган талаб борган сари ўсиб бораверади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимнинг шаклланиши мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок қўп сонли банк субъектларининг пайдо бўлиши билан бошланди. 1991 йилда қабул қилинган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун банк муассасаларининг бозор шароитларига мос келадиган асосий йўналишларини белгилаб берди. Ўсиб бораётган банк тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш учун таълим тизимини ташкил этиш ва бошқаришни тартибга солишга қаратилган, унинг вазифаларини белгилаб берувчи ва уларни босқичма — босқич бажарилишини тартибга солувчи фармонлар, ҳукумат қарорлари ва фармойишлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги "Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш бўйича чора — тадбирлари тўғрисида"ги 427 —сонли

Қарорига мувофиқ банк мутахассисларини танлаб олишнинг бошлангич боскичида уларни поғона — поғона тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги билан мамлакатдаги энг яхши умумтаълим мактаблари негизида 39 та ихтисослашган банк синфлари очилди ва фаолият кўрсатиб келмокда. Бундан ташқари, банклар билан ўқув муассасаларининг яқин ва узлуксиз алоқаларини кўллаб — кувватлаш мақсадида таълим бўйича Давлат стандартлари ҳамда ўқув режалари ва дастурларини амалга киритиш тартиби жорий этилди. Ўзбекистон Банклар Уюшмасининг I Таъсис съездида қабул қилинган республика банк тизимини ривожлантиришнинг Ялпи дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика молия — пул тизимини ва банк ишини ривожлантириш, шунингдек, малакали банк мутахассисларини тайёрлашга оид 1996 йил 1 майдаги 1460 — сонли Фармони оғишмай ижро этилмокда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Банк коллежларини ташкил этиш тўғрисида" 1996 йил 31 июндаги 272 — сонли қарори ва банк тизимини ривожлантириш бўйича Ялпи дастур ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошида 3 та ўрта махсус ўқув муассасалари очилди. Булар Тошкент Банк — ҳисоб — кредит коллежи, Марғилон ҳисоб — кредит техникуми ва унинг Термиз филиалидир. Шунингдек, Ўзбекистон Банклар уюшмаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент, Самарканд, Тўрткўл, Урганч шаҳарларида ва Андижонда яна банк коллежлари очилди.

Бир нарсани таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Банклар Уюшмаси қошида Банк — молия академияси (БМА)ни ташкил этилиши ҳамма учун қувонарли воқеа бўлди. Банк Молия Академияси бутун Ўрта Осиёдаги олий ўқув юртлари орасида жаҳон андозалари даражасидаги юқори малакали банк — молия

тизими учун мутахассислар тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган ягона ўқув масканидир. Академияга тингловчилар танлов асосида, фақат олий маълумот ҳамда олий ўқув юртидан кейин республика банк, молия ва солиқ муассасаларида камида икки йиллик стажига эга бўлган мутахассислар орасидан танлаб олинади. Шунингдек, тижорат банклари, Молия вазирлиги ва республика Солиқ қўмитаси раҳбар кадрларни уқитиш мақсадида Академия қошида 3 ойлик курслардан иборат банк —молия тизими раҳбар кадрлар малакасини ошириш факультети (МОФ) фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг 9 —сессиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси банк тизими учун долзарб бўлиб, у бугунги кунда янгича жарангламоқда.

Маълумки, банklar ва миждозлар ўртасидаги ўзаро ишонч, банklarаро тўловлар ва миждозларнинг тўловларини амалга ошириш жараёни янги босқичга кўтарилмоқда. Ахборотларни узатиш ва қайта ишлаш бўйича электрон ҳисоб — китоблар технологиясининг амалиётга кириб келиши ва унинг самарали ишлаши, табиийки, кадрлар малакасига боғлиқ. Мана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ўз сиёсатини юргизиб банк тизимида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой —жойига қўйиш механизмини такомиллаштириш юзасидан доимий иш олиб бормоқда. Агар Марказий банкнинг ўтган йиллардаги кадрлар сиёсати ривожланишига назар ташласак, унда бутун банк тизимининг такомиллашув йўлини куришимиз мумкин.

Собик Иттифодан мерос бўлиб қолган эски банк тизимида асосан қариялар ишлар, ёш кадрлар ниҳоятда кам эди. Ҳар бир туманда нари борса иккита, аксарият ҳолларда битта банк бўлими

бўлиб, унда ишловчининг уртача ёши 50 — 53 ёшни ташкил этарди.

Марказий банк томонидан олиб борилган сиёсат доирасида амалга оширилган дадил чоралар тез орада ўз натижаларини бера бошлади. Дастлабки босқичда тез ривожланиб, кенгайиб бораётган банк тизимини кадрлар билан таъминлаш муаммоси ҳал этилди. Бунда авлодлар давомиилигини сақлаб қолган ҳолда, банк тизимини ёшартириш муаммосига ҳам муваффақиятли ечим топилди. Банкларга ёш, иқтидорли, билимли кадрларнинг келиши натижасида банк тизими такомиллашди. Ҳозирда мутахассисларнинг ўртача ёши 30- 35 ёшдан иборатдир.

Банк тизими ривожланишининг кейинги босқичида Марказий банкнинг кадрлар сиёсати кадрларни сифат жиҳатидан ўстириш, уларнинг касбий билимларини ошириш масаласига йўналтирилди. Жумладан, Марказий банк республика банк тизимида кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг 2001 — 2005 йилларга мўлжалланган концепциясидан келиб чиққан ҳолда чет эл тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқла. Ушбу масалани ҳал қилиш учун республикамизда Осиё ва Европа мамлакатларидаги бир қатор нуфузли олий ўқув юртлари ҳомийлигида Минтақавий банк ўқув маркази ташкил этилди. Минтақавий банк ўқув маркази Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондаги 30 банк томонидан, шунингдек, Туркия ҳукумати ва Банк уюшмаси, ЕТТБ ва ЕЙ комиссияси иштирокида ташкил этилди ва ўқитиш ишлари Германия, Буюк Британия, Туркия, Белгия ва бошқа мамлакатлардан келган мутахассислар томонидан ҳамда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўқитувчиларининг кучи билан олиб борилмоқда. Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Жаҳон банки билан ҳамкорликда Бирлашган Вена института филиали очилди, халқаро валюта фонди курслари

уюштирилди.

Шу мақсадда, республикаимиз иқтисодий комплекси ичида биринчи бўлиб, Марказий банк ҳузурида Илмий Кенгаш ташкил этилди. Унинг асосии вазифаси замон талабларига жавоб берадиган билимли, иктидорли ёш кадрларни танлашни такомиллаштиришдан иборат.

Шу тарика, киска давр ичида Марказий банк томонидан, ҳукуматимиз хдмда Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги билан олиб борилган сиёсатнинг самараси эндиликда яққол намоён бўлмоқда. Банк тизими ходимлари ҳозирги пайтда уз салоҳияти, янги техник воситалардан фойдалана билиши, чет тилларда сўзлаша олиши, замонавий билимларни эгаллаш даражаси ва изланувчанлиги билан ажралиб турибди, Марказий банк кадрлар тайёрлаш тизими нафақат банклар учун, балки макроиқтисодиёт учун ҳам замонавий кадрларни етиштириб бермоқда. Бу эса нафақат банк тизими равнаки учун, балки мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун чуқур замин яратади. Зеро, мамлакатимиз иқтисодиётида ва банк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатларнинг муваффақияти охир — оқибатда кадрлар ва яна кадрлар масаласига боғлиқдир.

II БОБ Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалигисубъектларини кредитлаш ҳолати таҳлили ва такомиллаштириш йўналишлари

2.1. Ўзбекистонда банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари

Бозор иктисодиётининг чуқурлаша бориши, иктисодий ислоҳатларнинг бориши билан ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида, шу жумладан, банк-кредит муносабатларида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлиши банк-кредит тизимларини доимий равишда такомиллаштириб боришни, бу тизимни ҳаётий ўзгаришларга мое равишда модернизациялашни таказо этади. Президентимиз таъкиллаганидек «Жамиятимиз янгиланишининг ҳозирги боскичида асосий эътиборни муассасавий ўзгаришларни чуқурлаштириш, молия ва банк тизимини янада ислоҳ қилиш, ривожланган бозор инфра тузилмасини барпо этиш, рақбатчилик муҳитини шакллантиришга қаратиш зарурдир».¹

Айнан шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президенти — нинг "Банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш чора — тадбирлари тўғрисида"ги 2000 йил 21 мартдаги 2564 —сонли Фармони ҳамда унинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳамасининг "Банк тизимини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора — тадбирлари тўғрисида"ги 2000 йил 24 мартдаги 104 —сонли қарори қабул қилинди.

Шу нарсани таъкидлаш зарурки, Банк тизимини эркинлаштириш — бу уни келажакда ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришдаги етакчи белгиси бўлиб ҳисобланади.

Банк тизимидаги муассасавий ислоҳатлар ва

эркинлаштиришни босқичма-босқич бажариш, шунингдек, унинг пойдевори, ташкилий шакллари ҳамда банк ва бошка кредит муассасаларини ривожлантиришнинг катъий шартлари ва йўналишларини давлат томонидан фаол ўзгартириш Ўзбекистондаги ислохатларнинг ўзига хос хусусиятидир. Шунингдек, бу ислохатлардан кўзланган асосий мақсад— тижорат банкларининг универсаллашувини таъминлаб, даромадлар базасини мустахкамлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси банк тизимини 2000 — 2003 йилларда ислох қилиш Дастури қабул қилинди. Унинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлди:

- Тижорат банкларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш;

- Банк тизимини муассасавий ривожлантириш ва банк ишини такомиллаштириш, банк рақбатчилигини ошириш, омонатларни

жалб этишни ривожлантириш;

- инвестиция жараёнларини фаол иштирикчилари сифатида тижорат банкларининг ролини ошириш;

- банк микрокредитлаш махсус воситалари тармоғи ва шу билан, кредит иттифоклари кўринишидаги муқобил шакллари ривожлантириш йўли билан хусусий тадбиркорлар ва аҳолини микрокредитлашни кўпайтириш ва яхшилаш;

- банк ахборат тизими ва технологияларини янада ривожлантириш

- бухгалтерия хисоби ва банк молиявий ҳисоботини такомиллаштирган ҳолда банк назорати, ташкил қилинган фойдаланувчилар учун тижорат банкларини шаффофлаштириш андозаларини кучайтириш ва ривожлантириш.

Маълумки, самарали ишловчи банк назорати тизимини яратиш иқтисодиётни ва банк тизимини эркинлаштириш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банкларини назорат қилишдан асосий мақсад эса банк тизими барқарорлигини ошириш ва пировард натижада банк омонатчилари, кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Марказий банкнинг назорат қилиш тизими айниқса, ўтиш иқтисодиёти шароитида молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда, Марказий банк томонидан тижорат банкларини самарали назорат қилиш тизими яратилди, ҳамда уни доимий равишда такомиллаштириш юзасидан бир қатор чора — тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида тижорат банкларини назорат қилиш сифат жиҳатидан ўзгарди: мутлоқ назорат ўрнини яхши ўйланган ва оқилона фаолиятни рағбатлантирувчи назорат эгаллади. Бунда асосий эътибор банк назоратининг **бош вазифаси** — омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга ва банк тизимидаги таваккалчилик даражасини тартибга солишга қаратилган.

Шунингдек, банклар фаолиятини компьютер орқали масофадан туриб мониторинг қилиш тизими ҳамда халқаро "СатеГ"¹

тизимига мувофик банкларни жойларга чиқиб назорат қилишнинг янги тизими жорий этилди. Стандартлаштирилган рейтинг тизими "СатеГ" ниҳоятда даражада аниқ ва ундаги маълумотлар тушунарлидир. У тиждат банклари фаолиятининг барча муҳим компонентлари, яъни капитал, активлар, бошқарувчилик қобилияти, даромадлилик, ликвидлиликни баҳолашга имкон беради.

Маълумки, мамлакат фаровонлиги унинг ресурсларига, шу жумладан, банк активлари ҳамда улардан тушаётган реал даромадлар даражасига тўғри баҳо беришга боғлиқ. Бу юмушни — аудиторлар бажаради. Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан яна бири — банк аудит соҳасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар бўлди. Жумладан, тиждат банкларида ташқи аудит ўтказиш учун нуфузли халқаро аудиторлик компаниялари жалб қилинди ва молиявий ҳисобатларнинг халқаро андозалари изчил жорий этилди. Ҳозир Республикамиздаги аудиторлик хизматлари бозорида бешта машҳур чет эл аудит фирмалари: PricewaterhouseCoopers, Deloitte, Toiss, KPMG, Audit & Accounting Group, EY & Co. бўлиб турибди. Халқаро андозалар талаблари асосида ўтказилган аудит текширувлари натижасига кўра ТИФ Миллий банки, "Асакабанк", "Пахтабанк" "Ўзсаноатқурилишбанк", "Ўзуйжойжамғармабанк", "Ипак йўли банк", "Ҳамкорбанк", "Парвинабанк", "Ўзприватбанк" "Ғаллабанк", "Тадбиркорбанк"ка хорижий кредит линияларини жалб этиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш имкони берилди.

Шунингдек, кредит бозорида ўзаро рақбатни кучайтириш борасида ҳам катор чора — тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелидаги иккинчи чакириқ саккизинчи сессиясида "Кредит Иттифоклари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши тијорат банклариға муқобил бўлган кредит иттифокларининг ривожланишиға кенг йўл очиқ берди. 2004 йил 1 март ҳолатиға кўра мамлакатимиздаги кредит иттифокларининг сони 17 таға етди. Улар республикамызда кичик ва ўрта бизнес қорхоналарининг кредитларға бўлган эҳтиёжларини сезиларли даражада қондиришға, айниқса, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратишға хизмат қилмоқда.

Бизға маълумки, банқлар фаолиятининг асосий турларидан бири пул маблағларини омонатларға жалб этишдир. Худди ана шу маблағлар банқ актив фаолиятининг бошқа энг муҳим тури, яъни кредитлаш учун манбаа бўлади. Аҳолининг буш турган пул маблағларини жалб этиш юзасидан банқлар олдида муҳим вазифалар турганини ҳисобға олиб, банқ тизимини эркинлаштириш ва ислох этиш жараёнида бу масалаға алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, 2002 йилнинг 5 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентиинг "Жисмоний шахслар йиғма даромадини деклорациялаш тизимини босқичма — босқич жорий этиш юзасидан чора — тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди, Мазкур фармонға мувофиқ жисмоний шахсларнинг тијорат банқлари депозит ҳисобварақаларидаги маблағлари деклорация қилинмайди. Омонатчиларға қўйилган маблағларнинг қелиб чиқиш манбаалари тўғрисида суров тақдим этилмайди, Хукумат миқёсида ана шундай тадбирларни қўрилиши

омонатчиларга ўз пул маблағларини сақлашга ҳамда ўз жамғармалари бўйича доимий даромад олишга имкон беради.

Аммо аҳоли орасида хадиқсираш, ўзининг маблағларини ўз вақтида ва тўла — тўқис қайтара олмаслик хисси йўт эмас.

Бу борода ҳам ижобий ўзгаришлар амалга ошди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 5 апрель ойида бўлиб ўтган сессиясида "Фукароларнинг банклардаги омонатларини муҳофаза этиш тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ фукароларнинг банклардаги омонатларига ҳукумат кафолат беради. Бу ўринда шуни таъкидлаш зарурки, илгари аҳолининг фақат Халқ банкидаги омонатларига ҳукумат кафил берар эди. Энди эса, мазкур қонун қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш юритаётган барча тижорат банкларидаги аҳолининг омонатлари учун ҳукумат кафолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирик IX сессиясида "Банк сир тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун аҳолининг банклардаги пул маблағлари тўғрисидаги ахборат сир сақланишининг кафолати бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда, жиддий эътибор қаратилди. Агар 2002 йилда уларнинг сони 309 та бўлган бўлса, 2004 йилга келиб уларнинг сони 795 тага етди.

Шу нарса қувонарлики, Ўзбекитон Республикаси Марказий банки банк тизимини эркинлаштириш ва такомиллаштиришга оид лойиҳаларни оқилона ва изчиллик билан амалга ошириб, турли халқаро муассасалар билан бир неча ииллар мобаинида ҳамкорлик

килиб келмокда. Бундан мақсад— мамлакатимиздаги тижорат банкларига улардаги ўзгаришлар жараёнида техникавий ва маслахат кўмаги беришдир.

Ўзбекистон Республикаси банк — молия секторини институционал ривожлантириш лойиҳаси ана шундай лойиҳалардан биридир. Бу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан бошланди ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) ўртасида тузилган қарз тўғрисидаги битимга мувофиқ амалга оширилмокда. Маълумки, лойиҳа **бешта асосий қисмдан** иборатдир. 2000 йилдан бошлаб **1-қисм** доирасида ишлаётган чет эллик мутахассислар бешта тижорат банки "Ўзсаноатқурилишбанк", "Ўзуйжойжамғармабанк", "Асакабанк"и, "Ипак йўли банк"и ҳамда "Ҳамкорбанк"ка доимий асосда техникавий кўмак бериб турибдилар. Ушбу қисмнинг асосий мақсадларидан бири чет эллик мутахассислар билими ва тажрибасини тижорат банклари ходимларига ўргатишдир. Лойиҳада иштирок этаётган банкларда кредитларга баҳо бериш жараёнини жадаллаштириш ҳамда такомиллаштиришга имкон берадиган, шунингдек, кредит таваккалини ва кредит портфелини диверсификациялашни таъминлайдиган кредит таомиллари ишлаб чиқилди, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга мос бўлган профессионал бухгалтерлик ҳисоби юритилмокда, банк операцияларининг хавфсизлиги кўтарилди, корпоратив бошқарув Пластик карточкалар воситасида ўрнатилган терминаллар ва банкоматлар

оркали савдо ва сервис ташкилотларида, супермакетларда, дўконларда, дорихоналар, мехмонхоналар, уяли телефон компаниялари, автомобилга ёнилғи куйиш шахобчаларида, "Ўзбекистон хаво йўллари" МАК кассаларида товарлар ва кўрсатилаган хизматлар учун ҳақ олинади. Шунингдек, республиканинг йирик тармоқларидаги ташкилотлар ва муассасаларда маош тўланади.

Эндиликда республиканинг кўпгина банклари мижозларга миллий ва чет эл валюталаридаги пластик карточкалардан фойдаланиб хизмат кўрсатишни таклиф этмоқда. Булар орасида ЎЗР ТИФ Миллий банки, "Асакабанк", "Пахтабанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Халк банки, "Ўзуйжойжамғармабанк", "Уз ДЭУ банк", " АБН Амробанк МБ Ўзбекистон А - Ж", "Ўзприватбанк" бор.

Маълумки, тижорат банкларининг халқаро ҳисоб — китоб муносабатларини халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрнини белгиловчи асосий омил уларнинг халқаро элетрон тўлов тизимига уланиши ҳисобланади.

Тижорат банкларини хусусийлаштириш ва қайтадан тузиш масаласи лойиҳада алоҳида ўринни эгаллайди ҳамда 5- ^исм доирасида назарда тутилган. Унинг мақсади республика банкларига чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмаклашишдир.

Шундай қилиб, молиявий секторни институционал ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш борасидаги иш Ўзбекистон ҳукумати режалапггирган барча йўналишлар бўйича фаоллик билан ўтказилмоқда. Ўртага қўйилган ва ҳозирги кунда

лойихани якунлаш бўйича бажарилаётган ишлар муайян натижаларга эришишни кўзда тутди. Биринчидан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига жавоб берадиган профессионал бухгалтерия ҳисобининг мавжуддиги тақдим этилаётган молиявий ахборотнинг сифатини яхшилайти ва молиявий ҳисоботнинг очик — ойдинроқ бўлишини таъминлайди. Иккинчидан, реал вақт режимида ҳисоб — китобларни ишлаб чиқишга асосланган модернизация қилинган тўлов тизими банклар ўртасидаги якуний ҳисоб — китобларни ўз вақтида амалга оширишга имкон беради. Ликвиддидликни чапдастлик билан бошқаришда уларнинг имкониятларини кучайтиради, Ички аудит институтининг равнақи, Марказий банк ва тижорат банклари ходимларининг касб — қор қўникмалри яхшиланаётгани муҳим муваффақиятлардан ҳисобланади. Энг асосийси эса — лойиҳанинг амалга оширилиши банк тизимининг кенг қўламда хусусийлаштиришни таъминлаш ва бу тизимга чет эл инвестицияларини жалб этиш, мамлакатимиз банкларининг халқаро бозорларга чиқиши, булар ўртасидаги рақбатнинг кучайиши, Ўзбекистон Республикаси банкларида корпоратив бошқарувнинг самарали тизимларини шакллантириш учун имконият беради ҳамда иқтисодиётимизни янада барқарорлаштириш ва иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришни таъминлайди. Барқарор иқтисодий ўсишга халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларига тўлақонли жавоб берадиган, самарали, рақобатбардош банк тизимини яратиш билан эришилади.

2.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини самарали кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ни ривожланишдаги мавжуд муаммоларни ечимини топиш ва 2007-2015 йилларда истиқболлаштирилаётган параметрларни таъминлаш, ушбу соҳада тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг йўналишларини аниқлаш ва улар бўйича чора тадбирларни белгилашни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнесда тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун қуйидаги умумий шароитлар таъминлаши зарур:

- миллий иқтисодиётда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш негизида уни барқарор ривожланишини таъминлаш;
- иқтисодиётда рақобат муҳитини шаклланиши таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги ни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини, унинг механизмларини такомиллаштириш асосида ривожлантириб бориш;
- қишлоқ хўжалиги га хизмат кўрсатувчи инфратузулмаларни самарали ҳаракат қилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги фаолиятини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалиги ни ҳуқуқий-меёрий ва ташкилий асосларини иқтисодиётда турли омиллар таъсирида руй бераётган ўзгаришларга мос равишда узлуксиз такомиллаштириб бориш;
- давлат томонидан қишлоқ хўжалиги ва ҳуқуқий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни мавжуд шароитларга мослаштирган ҳолда амалиётга қўллаш;
- қишлоқ хўжалиги ни инновация негизида ривожланишини таъминлаш борасида чора тадбирларни ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги ни молиявий жиҳатдан таъминлаш мавжуд механизмларни самарадорлиги ошириш ва молиялаштиришнинг янги

манбаларини ҳаракатга келтириш негизда қулай инвестиция муҳитини яратиш;

-қишлоқ хўжалиги да ишлаб чиқаришни ташкил этишни моддий таъминотини такомиллаштириш;

-қишлоқ хўжалиги ни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш;

-қишлоқ хўжалиги саоҳаси учун малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;

-қишлоқ хўжалиги да кооперацияни чуқурлаштириш.

Қишлоқ хўжалиги ни ушбу йўналишларда олиб бориладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишда қишлоқ хўжалиги ни ривожлантириш борасида хорижий тажрибани ўрганиш ва уни мамалкатимиз шароитларига татбиқ этиш муҳимдир.

Хусусан, статистик маълумотларга кўра Италияда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 3-5 фоизни ташкил этади ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича АҚШ, Япония, Германия ва Франциядан кейин 5-ўрини эгаллайди. Бу давлатда қишлоқ хўжалиги нинг ўзига хос хусусияти шундаки, йирик фирмаларда ишлаш билан бирга ўриндошлик бўйича кичик ва хунрамандлик корхоналарида ҳам меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Шунингдек ишлов чиқариш тузилмасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири кооператив (ширкат) секторидир. Корперация шакли мамлакат ташқарисида «саноатлаштиришнинг итальян модели»дир. Бундай саноат округларининг самарадорлиги шундаки, улар маҳаллий имкониятлардан самарали фойдалана оладилар. Бунинг натижасида корхоналар бир қанча имкониятларга эга бўлади, жумладан:

-корхоналараро муносабатлар мослашувчанлиги юзага келади;

-корхоналарга ташкилот, уюшмалар ва институтлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга оид маълумотлар олиш имконини берадиган аниқ ахборот тизими юзага келади;

-миллий маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқишда кичик корхоналар етакчи мавқега эга бўлади;

-тармоқ усулида ташкил этилган кичик ишлаб чиқариш кооперативларида бандлик юқори даражада бўлади.

Иқтисодчи олимлар тадқиқотларига кўра Италия иқтисодиётида турли соҳаларда фаолият юритувчи корхоналарни технологик жиҳатдан бирлаштириш ташкилик шакли «конstellляция» аҳамияти алоҳида эътироф этилади. Бунда бир-бирига боғлиқ бўлган, мураккаб тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда чекланган миқдордаги корхоналар бирлашиб фаолият юритади. Бундай ташкилий шаклда бирлашган корхоналарнинг бири маҳсулот тайёрлаш жараёнини бажарса, айримлари технологик жараён учун масъул бўладиган, баъзилари эса савдо билан шуғулланадилар. Натижада нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш муаммоси ҳал бўлади, шунингдек, ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгаяди. Бундай жараёнда етакчилиқни конstellляцияда охириги босқичдаги ишларни бажарадиган корхона амалга оширади. Улар бошқа фирмалардан барча керакли бутловчи қисмларни сотиб олади ва лурга тарли ишлар бўйича буюртмалар беради.

Демак корхоналардаги фаолиятнинг мувофиқланишуви юзага келади. Турли конstellляцияларда ҳамкорлик қилиш, бозорда маълум бир маҳсулот турига бўлган талабнинг кенгайтирилиши ва эркин рақобат муҳити яратилади, шу билан бирга маҳсулотнинг таннархи ва унинг нархи пасайишига олиб келади.

Фикримизча, Италия Республикасида қишлоқ хўжалиги субъектларини ривожлантиришнинг бу ташкилий шакли Ўзбекистонда ҳам мавжуд хусусиятлар асосида фойдаланиш мумкинлигини эътироф этмоқчимиз. Чунки боис конstellляция усулини Ўзбекистон амалиётида ҳам қўллаш, қишлоқ хўжалиги да афзалликлар яратади, булар:

-кичик корхоналарни молиялаштиришни таъминлайди;

-технологик жиҳатдан мураккаб бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради;

- корхоналарнинг ишлаб чиқаришда рақобатбардошлигини оширади;
- маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг реаллигини таъминлайди.

Самарали экспорт фаолиятини амалга оширишлари учун ташқи бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган маркетинг мажмуаси ахборотлари билан таъминланган бўлишлари зарур. Бозорларнинг ўзига хос салоҳияти ва бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар бўйича жорий ахборот тизимига, компанияларнинг барча ресурслари бевосита савдо фаолиятига қаратилган ва асосий харидорлар билан доимий алоқа ўрната оладиган ташкилотлар бу экспорт савдо компанияларидир. Жаҳон амалиётида экспорт фаолиятини ташкил этишнинг чет элларда савдо уйлари очиш шакли ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг шакли сифатида кенг тарқалган. Ўзбекистон савдо уйлариининг чет элларда ташкил этилиши маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар экспорт фаолияти самарадорлигининг ошишига ҳам имконият яратади. Қишлоқ хўжалиги субъектларининг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида савдо воситачилари кўмак беради ва ҳамкорлар ва харидор топишга дастлабки имконият яратилади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган қишлоқ хўжалиги ни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва хорижий тажрибани ўз ичига қамраб олувчи Ўзбекистон Республикасида 2007-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги секторини янада ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Уни ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим:

Биринчидан, қишлоқ хўжалигининг шаклланишида ва ривожланишида тадбиркорлик меҳнат унумдорлиги ва тадбиркорлик фаоллиги ўртасидаги умумий боғлиқлик омилларидан, авваломбор, “Вақтдан унумли фойдаланиш” (йилдан йилга ижобий натижаларга эришиш), “Ишлаб чиқариш узлуксизлиги ёки давомийлиги” (мавсумий ишдан кўра кўп йиллик фаолият афзаллиги) ва “Самарадорлик” (нафлилик) каби кўрсаткичларга эътибор берилиши зарур. Иккинчи омил кўпроқ қишлоқ хўжалиги

субъектларига таалуклидир.

Иккинчидан, тадбиркорлик меҳнат ва тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги умумийлик омилларига, биринчи навбатда, кишиларнинг “меҳнатга янгича муносабати” (мулк ҳисси, бойиш истаги, яратувчанлик ва ҳ.к.) ҳамда “меҳнат фаолияти ижод, ақл ва тафаккур орқали амалга ошади” (айниқса, қишлоқ хўжалиги учун), “меҳнатга оқилона муносабат” (кўпроқ фермер хўжаликларида) сингари омил-кўрсаткичлар соҳа тадбиркорларининг маънавий-ақлий шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорнинг бой маънавий қиёфага эга бўлишни, билим–малакасини оширишни ўз фаолиятига янгича қараши ва ишини оқилона ташкил этишини зарурий мақсадга айлантиради.

Учинчидан, ҳар бир хўжалик ўз фаолиятини самарали ташкил этишда меҳнат бозорининг ишчи кучига бўлган талаби ва тадбиркорлик қобилияти хусусиятларининг умумийлигида, авваломбор, “иждоқорлик” (инноваторлик), “ишчанлик”, “яратувчанлик” (бунёдкорлик) каби хусусиятларга ижобий, устивор муносабатда бўлиши талаб этилади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаоллигини баҳолашда қуйидаги мезон-кўрсаткичлар кетма-кетлиги (афзалий қатори) тавсия этилади:

- Маҳсулот (иш, хизмат) сифатининг яхшиланиши;
- Илғор техника ва технологиядан фойдаланиш даражаси;
- Рақобат муҳитини шакллантиришдаги ҳиссаси;
- Меҳнат самарадорлиги орқали ижтимоий-адолатли тақсимотга эришиши;
- Янги иш ўринлари яратиши.

Тўртинчидан, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда, аҳоли бандлигини оширишда янги иш ўринлари барпо этишнинг самарали йўли ҳисобланган қишлоқ хўжалиги фаоллиги унинг таркибий турлари бўйича қуйидаги афзаллик қаторига (кетма-кетлигига) эга эканлиги инобатга олинishi даркор:

- ташкилий-бошқарув фаоллиги;
- инвестиция фаоллиги;

- ишлаб чиқариш фаоллиги;
- маркетинг фаоллиги;
- молиявий фаоллик;
- инновация фаоллиги;
- бошқа фаоллик турлари.

Бешинчидан, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ўзгариши ва таъсир доирасини баҳоловчи ижтимоий-иқтисодий мониторинг яратиш зарур бўлиб, унда, авваломбор, қуйидаги кўрсаткичлар ўз аксини топиши тақозо этилади:

- доимий яшовчи аҳоли сони, минг киши;
- аҳолини ўртача йиллик даромадининг ўзгариши, %.;
- қишлоқ хўжалиги субъектлари сони;
- Қишлоқ хўжалиги секторининг вилоят (шаҳар, туман) ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши,%;
- мамлакатда) Қишлоқ хўжалиги орқали яратилган янги иш ўринлари сони;
- Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг ўртача йиллик иш ҳақининг ўзгариши,%;
- Қишлоқ хўжалиги соҳада тадбиркорлик фаоллигининг ўзгариш даражаси,%.

Мазкур ижтимоий-иқтисодий мониторинг кўрсаткичлари орқали мамлакатда Қишлоқ хўжалиги соҳаси субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги даражаси ўрганилади ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади ва истиқбол дастўрини ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тўтган ўрнидан келиб чиққан ҳолда ва ушбу соҳада сифат ўзгаришларига эришиш учун дастурнинг бош мақсади:

Қишлоқ хўжалиги соҳасини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш асосида ушбу секторни барча томонидан эътироф этилган вазифаларини тўлиқ бажаришни таъминлаш ва ривожлантиришида янги сифат босқичига ўтишини таъминлашдан иборат. Қишлоқ хўжалигини ривожланишини жадаллаштириш негизда уни ялпи ички маҳсулотдаги ҳисасини 66,1 фоизга

етказиш.

Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги субъектларининг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш мақсадида дастурда қуйидаги йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

-тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва фаолият юритишнинг ҳуқуқий меъёрий базасини такомиллаштириш. Бунда мансабдор шахслар томонидан буйруқбозлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида уларнинг масъуллигини оширишга муҳим эътибор қаратилади;

-қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ноқонуний ва асоссиз аралашуви ҳолатларини бартараф этиш;

-йирик корхоналарни таркибий ўзгартириш натижасида бўшаб қолган нотузаржой бинолар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини кичик корхоналарга бериш;

-йирик саноат корхоналарида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун импортга мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, деталлар ва керакли ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича Дастурни амалга ошириш;

-қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва сифатини ошириш.

Дастурда қишлоқ хўжалиги ни ташкилий-ҳуқуқий асосларини руй бераётган ўзгаришларга мослаштириб бориш қуйидаги тартибларни ўз ичига қамраб олади:

-қишлоқ хўжалигини бир маромда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

-тадбиркорлик фаолиятининг бошланиши билан боғлиқ меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни соддалаштириш;

-тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва уни аслида ҳаракат қилишини таъминлаш йўли билан ижобий фаол тардбиркорлик муҳитини яратиш;

-хусусий тадбиркорларга халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишда кўмаклашадиган инфратузилмани шакллантириш;

-тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ноқонуний ва асоссиз аралашув ҳолатларига чек қўйиш;

-микро ва кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоботларини юритиш тартибини, ушнингдек солиқ ва статистика органлаига ҳисоботларни тайёрлаш ва етказишни такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини оширишда давлат томонидан қўллаб қувватлашни самарасини ошириш мақсадида дастурда ушбу йўналиш қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

-давлат органлари, тадбиркорларнинг жамоат ташкилотлари ва тижорат тузилмалари билан ҳамкорлигини таъминловчи механизмни такомиллаштириш;

-рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, экспорт ҳажминини ошириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, қўшимча ишчи ўринларни ташкил этишга кўмаклашиш;

-доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма ва технологик ускуналар, мини технологиялар ярмаркаларини ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалиги субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

-қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Дастурда қишлоқ хўжалиги ни инновация асосида ривожланишини таъминлаш қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

-технологик жараёндларни доимий равишда янгилаб бориш асосида маҳсулот сифатини ошириш ва ресурсларни тежалишига олиб келувчи иновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мезанизмини такомиллаштириш;

-инновацияларни харид қилиш ва ундан ишлаб чиқаришда фоадаланиш амалга ошириш механизмини сифатида яратилган инновацияларни танлов

-асосида имтиёзли равишда кичик корхоналарга сотиш;

-қисқа даврда ишлаб чиқаришда аслида қўллаш мумкин бўлган инновацияон ишланмаларни давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда молиялаштиришни ташкил этиш;

-иновацион тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш.

Қишлоқ хўжалиги ни молиявий ресурслар билан таъминлаш йўналишда Дастурда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган:

-молиялаштириш ва суғурта лойиҳаларини амалга киритишни кенгайтириш, кафолат бериш ва механизмини такомиллаштириш;

-операцияларини қўллаш;

лизинг;

-бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига имтиёзли кредитлаш ва микрокредитлаш;

-қишлоқ хўжалиги субъектларига лизинг асосида ускуналар сотиб олишни маблағлар билан таъминлаш;

-тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган кредитлар бериш механизмларини такомиллаштириш;

-маҳаллий хом-ашёдан чет эл кредит линияларини, шунингдек миллий валютадаги маблағларни жалб этган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган миниускуналар яратиш амалиёти давом эттирилади.

Қишлоқ хўжалиги субъектларининг моддий-техник таъминоти бўйича келгусидаги 2008-2015 йилларда амалга ошириладиган ишлар

қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

-биржа, аукцион ва ярмаркалар савдо доирасини кенгайтириш;

-замонавий техника ва технологиялар лизингини кенгайтириш.

Бунга эришиш учун қуйидаги тадбирлар амалга ошириш назарда тутилади:

-республикада ишлаб чиқарилаётган мини ускуналар, технологиялар катологини тузиш;

-вилоят мисолида хом-ашё, моддий-техника, меҳнат ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини такомиллаштириш;

-ҳар бир тадбиркорлик субъектларининг хом-ашё ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёжини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

-мамлакатда бу тадбирлар бажарилса озиқ-овқат, чакана ва улгуржи савдо ярмаркаларининг кенг қўламда фаолият кўрсатишини таъминлаш.

Бунинг учун, албатта, қишлоқ хўжалиги субъектларини ахборот-маслаҳат марказлари билан таъминлаш орқали қўллаб-қувватлаш зарур. Кичик тадбиркорлик субъектларини ахборот-консалтинг хизматлари билан қўллаб қувватлаш қуйидагилар орқали таъминланади:

-вазирлик идораларининг тегишли бўлимлари (Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Давлат божхона бошқармаси, Адлия бошқармаси, Ташқи иқтисодий алоқалар институтлар савдо бошқармаси ва бошқалар);

-Савдо-саноат палатасининг ва тадбиркорликнинг бошқа жамоат ташкилотларининг ахборот-маслаҳат бўлимлари, хусусий консалтинг, аудитор, адвокат фирмалари ва солиқ маслаҳатлари;

-махсус газета ва журналлар;

-тадбиркорларга стандартлаштириш техник-иқтисодий маълумотларни, кодлаш ва классификация бериш масалалари бўйича услубий ва амалий ёрдамларни кенгайтириш;

-қишлоқ хўжалиги субъектларининг нафақат бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботларини юритишда, балки мижозларга ўз бюджетларини режалаштиришда ҳуқуқий ва консалтинг маълумотларни олишда ривожланган даражадаги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш имкониятларини яратиш.

Хулоса ўрнида ишонч билан айтиш мумкинки қишлоқ хўжалиги ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз бўлган мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Қишлоқ хўжалиги аҳли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланади. Иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатланувчи кучи сифатида амал қилади.

Дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳудудий кесимда аниқлаштиришда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастўрини минтақа хусусиятига мос равишда ишлаб чиқиш;

- ҳудудий-соҳавий хусусиятига кўра ишлаб чиқариш тизимини ташкил этиш;

- маъмуриятчиликни кескин чеклаш;

- институционал асосларни янада кенгайтириш;

- йирик корхоналар билан кичик корхоналар интеграциясига эришиш;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш гуруҳларини ташкил этиш;

- мониторинг тизимини тўлиқ шакллантириб бориш эвазига жаҳонга чиқиш;

- инновацион фаолликни ошириш. Меҳнат инновацияси ва меҳнат менежменти муносабатларини такомиллаштириш орқали сифат кўрсаткичига эришиш.

Қишлоқ хўжалиги ни ривожлантириш Дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қарорларида белгиланган вазифаларни ҳал этишни назарда tutуади. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги

самарадорлигини ошириш асосида уни салмоғи ва аҳамиятини тубдан оширишни таъминлайди.

2.3. ОАТБ «Агробанк»да қишлоқ хўжалиги субъектларини самарали кредитлашда кредит таъминотининг ўрни

Агробанк мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўзининг муассасаларига эга бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят бошқармаси, 183 та туман (шаҳар) филиали, 300 та минибанки, 239 та махсус кассаси, 264 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали қарийб 232 мингдан ортиқ юридик шахсларга ҳамда 1 миллиондан зиёд жисмоний шахсларга сифатли замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Агробанк ўз фаолияти давомида асосий урғуни иқтисодиётнинг аграр секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк пул айланмасига жалб қилиш, филиаллар тармоғи, хизмат турлари ҳамда миқдорлари сонини кўпайтириш, банкнинг белгиланган бизнес-режаси ва бюджетининг асосий параметрларини бажаришга қаратган.

2010 йилда қишлоқ хўжалиги ни қўллаб-қувватлаш учун Ислом хусусий секторни ривожлантириш ассоциациясининг 5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилди ва лойиҳаларни молиялаштириш бошланди.

Агробанк ва Осиё Тараққиёт Банки ўртасида 20,0 млн. АҚШ доллари миқдоридан иборат бўлган “Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш. II босқич” лойиҳаси бўйича кредит шартномаси имзоланди. Ушбу лойиҳанинг мақсади республикада микромолиялаштиришни янада ривожлантириш ҳисобланади. Шунингдек, Агробанк Осиё Тараққиёт Банкининг савдони молиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига киритилди ва револьвер кредит тўғрисида келишув имзоланди.

«VISA International» халқаро тўлов тизимига принципал аъзоликка ўтиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Процессинг марказини ташкил этиш

билан бир қаторда чипли пластик карталарни эмиссия қилиш йўлга қўйилди.

Агробанк Осиё Тинч океани Қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш Ассоциацияси (АПРАКА) ҳамда Қишлоқ хўжалиги кредити Халқаро Конфедерацияси (КИКА)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. 2010 йилнинг июнь ойида Тошкентда Агробанк иштирокида Осиё-Тинч океани минтақаси Қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш ассоциацияси Бош Ассамблеясининг 17-йиғилиши ва Ижроия қўмитасининг 58-мажлиси ўтказилди. Ушбу тадбирлар доирасида қишлоқ хўжалигини кредитлашда кредит таваккалчилигини бошқариш бўйича конференция бўлиб ўтди. Бош Ассамблея қарорига мувофиқ 2010-2012 йиллар давомида АПРАКАга раислик қилиш вазифасини бажариш Агробанкка топширилди.

Банк қишлоқ хўжалиги ни ривожлантириш мақсадида КфВ, ЕТТБ, ОТБ ва Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки, Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банкининг (ХТТБ) кредит йўналишларини жалб этган.

Агробанкнинг халқаро операциялари хориждаги ва Республика ичидаги 23 та банкдаги вакиллик ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилади.

Шунингдек, Агробанк S.W.I.F.T жаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамиятига аъзодир.

“Агробанк” ОАТБ томонидан қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаётир. 2010 йилнинг июнь ойида “Moody's Investors Service” халқаро рейтинг агентлиги, 2010 йилнинг декабрь ойида ҳамда 2011 йилнинг июнь ойларида эса “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги томонидан банк фаолияти барча кўрсаткичлар бўйича “барқарор” деб баҳоланди.

2.4. ОАТБ «Агробанк»да қишлоқ хўжалиги субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари

Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиялаштириш ва кредитлаш тизими босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Жумладан, давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёси ва ғалла етиштираётган фермер хўжаликларга ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш учун тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш (йиллик устама 3 фоиз) тизими республика вилоятлари бўйича 2003-2005 йилларда босқичма-босқич жорий этилди.

Лекин, давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган маҳсулотларни имтиёзли кредитлаш тизимида қатор муаммолар мавжуд, жумладан, харажатларини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг муддатлари ва миқдорлари жорий йилдаги агротехкарталарга асосланиши ва харажат турлари бўйича йўналишларга бўлиниши, маҳсулот етиштириш учун керакли ресурс ва хизматлар учун тўловларни, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш имконини бермаяпти: кредитга бўлган талаб миқдорини аниқлашда харид баҳоларини ўтган йилги нархларининг 50 фоиз миқдорида белгиланиши, харажатлар эса жорий йилги нархларда ҳисобланиши натижасида харажатлар билан кредит орасидаги тафовут юқори бўлиб, кредит харажатни 30-35 фоизини қоплаяпти холос; имтиёзли кредит беришда экинларга ишлов бериш вақтлари етарлича ҳисобга олинмаяпти. Яъни, кредит ажратиш учун банklar томонидан талабномалар ҳар ойда бир маротаба олинаётганлиги ҳамда ажратилган кредит ресурслари фермер хўжаликларини ҳисоб рақамига келиб тушганидан сўнг 3 кун муддатида ишлатилиши белгилаб қўйилиши бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Қишлоқ хўжалигида молиялаштириш тизимини эркинлаштириш йўналишларидан бири етиштирилган маҳсулотларга (пахта ва ғалла) мақбул

харид нархларининг белгиланиши ва тўловларни уз вақтида амалга оширилишидир. Ҳисоб китобларига кўра, пахта харид нархининг 5 фоизга оширилиши қишлоқ хўжалик корхоналари рентабеллигини 2 фоизга ошишини таъминлайди. Тадқиқотлар кўрсатишича давлат эҳтиёжига сотилган ғалла учун тўловлар 4-5 ойдан кейин, пахта хом-ашёси учун эса 8-10 ой давомида амалга оширилмоқда. Пахта ва ғалла учун тўловлар фермер хўжаликларининг жорий ҳисоб рақамига эмас балки махсус ҳисоб рақамларига туширилиб ундан фермер хўжаликларининг рухсатсиз бюджет тўловлари, асосий таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ўтказиб юборилмоқда. Бу эса фермер ўзининг маблағларидан эркин фойдаланишига, ресурслар ва хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишига имкон бермаяпти.

Фермер хўжаликларига тижорат банкларининг кредит маблағларидан фойдаланишга имконият яратиш мақсадида марказий банк томонидан “тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида низоми” 2004 йилдан амалга киритилди. Тижорат банклари имтиёзли кредитларни фақат пахта ва ғалла ҳосилини гаровга олган ҳолда ажратиши белгиланди. Лекин, фермер хўжаликлари бошқа турдаги маҳсулотларни ҳам етиштирадилар, айрим фермер хўжаликлари эса чорвачиликка ихтисослашган. Бу йўналишдаги фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш учун айланма маблағлари етарли эмас.

«Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби» 2004 йилдан амалиётга жорий қилинди. Ушбу тартибда ҳам кредитни мураккаблиги яъни, фермерларни ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга маҳллий ҳокимият ва идораларнинг розилик билдириши, ижара ҳуқуқининг қиймати аниқлашнинг механизми мукамал эмаслиги, тижорат банклари кредитдан фойдаланиши бўйича фермернинг ишларига аралашиши каби муаммолар мавжуд. Шунингдек фермерга ер

майдонини 50 йилга ижарага берилган бўлишига қарамасдан ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда фаолият мақсадига қараб 1-5 йилга кредит берилади. Фермернинг ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда асосий воситаларини тиклаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун узоқ муддатли кредит бериш кўзда тутилмаган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига банклар томонидан тижорат кредитлари ҳам ажратилмоқда. Кредитлар қисқа муддатли (1-3 йил), устама фоизлари 16 фоиздан 32 фоизгача бўлиб, гаров миқдори кредит суммасининг 120 фоизини ташкил этади.

Фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг асосий қисми янги ташкил этилган ва уларда тижорат кредитлари учун 120 фоиз миқдорида гаровга қўйиладиган мол-мулк мавжуд эмас. Шунингдек уларнинг рентабеллик даражаси паст (10-15 фоиз) бўлиб, кредитни фоизларини қоплаган ҳолда ўз вақтида қайтариш имкони йўқ. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришга сарфланган маблағ бир йилда бир маротаба айланади ва олинган кредит ҳам бир йилда бир марта қайтади. Чорвачилик тармоғига йўналтирилган кредитлар эса кўп ҳолларда 2-3 йида бир марта айланади.

Юқоридаги муаммолар қишлоқ хўжалигини кредитлаш механизмига соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошишни ва уни қуйидаги йўналишда такомиллаштиришни талаб этади:

1. Маҳсулот етиштириш харажатларини қоплаш ва айланма маблағларни тўлдиришни молиялаштириш ва кредитлаш йўналишида:

Фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжи учун пахта ва ғалла етиштириш харажатларига имтиёзли кредитлар беришда йилига бир маротаба кредит линияларини очиш ва қўшимча муаммосиз кредит олишни таъминлаш, кредит маблағларини агротехникага мос равишда мустақил сарфлаш имконини бериш лозим;

Давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган пахта хомашёсига бериладиган кредитларни етиштирилаётган пахта нархининг 70 фоизи миқдорида

ажратиш лозим. Етиштирилаётган пахтани 100 фоизи давлатга сотилиши, маҳсулот нархининг 70 фоизи миқдорида олинган кредитни қайтарилишини кафолатлайди ва агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имконини беради;

Давлат эҳтиёжидан ташқари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар асосан етиштирилаётган маҳсулотни гаровга қўйган ҳолда 12-18 ой муддатга, фоизларини 10-12 фоиздан оширмаслик шарти билан берилиши лозим;

Фермерлар билан банк маблағларни шерикчилик асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш ҳамда кредитларнинг устама фоизларини маҳсулот билан олиш (тўлаш) орқали банкларни ишлаб чиқаришда қатнашишини таъминлаш лозим;

Фермерларни кредитга бўлган талабини қондириш учун қишлоқ жойларда кредит уюшмаларини ташкил этиш лозим. Кредит уюшмаларини ташкил қилишнинг дастлабки даврда давлат томонидан бошланғич сармояни шакллантириш, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш орқали қўллаб-қувватланишини йўлга қўйиш лозим.

Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини ва ушбу маблағлардан фермерларни эркин фойдаланишини таъминлаш лозим. Бу қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи тармоқларни молиявий-иқтисодий ҳолатининг яхшилашнинг мустаҳкам омилidir.

2. Асосий воситаларни тиклаш, техника ва ускуналар сотиб олиш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришни кредитлар билан таъминлаш йўналишида:

Тижорат банклари томонидан асмга ажратилаётган узоқ муддатли кредитларни 40 фоизини қишлоқ хўжалиги корхоналарига, 30 фоизини қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминловчи тармоқ корхоналарига (асмнинг 1-соҳаси), 30 фоизини қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини қайта ишловчи ва тайёрловчи корхоналарга (асмнинг 3-соҳаси) берилиши лозим. Асмнинг 1-соҳасини имтиёзли кредитлар билан таъминланиши қишлоқ хўжалигини нисбатан арзон техника воситалари ва ускуналари билан таъминлаш, асмнинг 3-соҳасига имтиёзли кредит ресурслари ажратилиши қишлоқ хўжалиги томонидан сотилган маҳсулотлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, маҳсулотларни баҳосини деҳқон ва истеъмолчи зарар кўрмайдиган даражада ушлаб туриш, мавжуд хомашёни юқори технологиялар асосида қайта ишлаш имконини беради.

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб фермер хўжаликларини узоқ муддатга ижарага олган ер майдонига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда мол-мулкни гаровга қўйган ҳолда узоқ муддатли махсус кефолатланган йиллик фоизлари пасайтирилган (10-12 фоиз) кредитлаш механизмини жорий қилиш зарур. Кафолатланган кредитлар муддатлари— ресурслар сотиб олиш учун 7 йил, машина-ускуналар, техника сотиб олиш, илғор технологияларни жорий қилиш, асосий воситаларни тиклаш учун 15 йил ва кўчмас мулк сотиб олиш ёки қуришга 30 йил қилиб белгиланиши лозим.

3. Янги ерларни ўзлаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригация-мелиорация тизимларини таъмирлаш учун кредит ресурслари ажратиш йўналишида:

Янги ерларни ўзлаштиришга мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва ирригация-мелиорация тизимларини таъмирлашга узоқ муддатли (12-15 йил), имтиёзли (8-10%) кредитлар ажратишни таъминлаш лозим. Кредитни қайтариш муддатларини янги ўзлаштирилган ерлар учун 5-йилдан, мелиоратив ҳолати яхшилланган ва ирригация—мелиорация тизимлари таъмирланган ерлар учун 3-йилдан бошлаб белгилаш лозим;

Ерларни унумдорлигини ошириш учун хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли кредит ресурсларини фермер хўжаликларига тўғридан-тўғри жалб этиш тизимини жорий этиш лозим.

Моддий-техник ресурслар марказлашган тақсимооти қишлоқ хўжалиги таъминотини барқарорлаштириш имкониятини берсада, қатор

камчиликлардан ҳам ҳоли эмас, жумладан:

-бугунги кунда деҳқон хўжаликлари томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини 60 фоизи, мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини 80 фоизидан ортиқ ишлаб чиқарилсада моддий-техник ресурслар билан марказлаштирган равишда таъминот тизимига киритилмаган. Шу билан бирга зарур турдаги ресурслар эркин бозорини етарлича шаклланмаганлиги сабабли уларни сотиб олиш имконияти ҳам чегараланган;

-фермер хўжаликларига моддий-техник ресурслар асосан пахта ва ғалла етиштириш учун марказлаштирилган равишда етказиб берилади, аммо бошқа турдаги маҳсулот етиштирувчи фермерлар бу имкониятдан фойдаланмайдилар. Натижада улар ресурсларни сотиб олишда қийинчиликларга дуч келмоқда.

Шу билан бирга марказлаштирилган моддий-техника таъминоти тизимидан ҳозирда ҳам фойдаланиш зарурати бир қатор омиллар билан боғлиқ: хўжаликлар молиявий ҳолатининг заифлиги, техника воситаларини ишлаб чиқарувчи собиқ иттифоқ республикалари билан ўзаро хўжалик ва иқтисодий алоқаларнинг сустрасуви, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг мавсумий характерга эгалиги, ер майдонлари ўлчамларининг кичиклашиб бориши, таъминотчи корхоналарнинг монопол мавқеи, транспорт харажатларининг ошиб кетиши, транзит тўловларининг юқорилиги, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасида номуносиблик ва ҳ.к.

Ушбу омиллар таъсирида республика қишлоқ хўжалигида охириги 10 йил ичида техника таъминоти даражасининг кескин камайиши рўй берган, бу салбий ҳолат давом этмоқда. Ушбу даврда қишлоқ хўжалигини асосий турдаги техникалар билан 1000 га экин майдони ҳисобига таъминланиш даражаси (2-илова) пасайган.

Жумладан, республика бўйича 2005 йилда 1995 йилга нисбатан барча турдаги тракторлар билан таъминланиш 45,7 фоизни, ем-хашак ўриш комбайнлари 32,7 фоизни, пахта териш машиналари 5,7 фоизни,

культиваторлар 86,5, чигит экиш сеялкалари 85,9 ва омовлар 27,5 фоизни ташкил қилган. Фақатгина ғалла ўриш комбайнлари билан таъминланиш даражаси меъёрга нисбатан 14 фоизга ошган. Буни юқори унумли “кейс” ғалла ўриш комбайнларини кенг қўламда қўлланиши билан изоҳлаш мумкин.

Техника билан таъминланиш суръатларини пасайиши қишлоқ хўжалигини энергетик қувватлар билан таъминланиш даражасига ҳам ўз таъсирини ўтказди (1-жадвал).

Республика бўйича агар 1990 йилда энергия билан таъминланганлик ва қуролланганлик кўрсаткичлари мос равишда 656,3 ва 7,9 от кучига тенг бўлса, 2005 йилга келиб 322,2 ва 3,2 от кучини ташкил қилган, яъни энергетик қувватлар билан таъминланиш даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилган.


Ушбу кўрсаткичлар 2015 йилга бориб меъёр даражасига, яъни энергия билан таъминланганлик 100 га ҳайдаладиган майдон ҳисобига 550,4 от кучига, энергия билан қуролланганлик 9,1 от кучига етказилиши лозим. Республика қишлоқ хўжалигини ҳар хил турдаги минерал ўғитлар билан таъминланиш даражаси ҳам пасайиб борган. Шу тариқа агар 1990 йилда жами сарфланган минерал ўғитлар 740,6 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 702,9 минг тоннани (95,0%) ташкил қилган. Талабга нисбатан таъминланиш 1990 йилда 44,1 фоиз, 2005 йилда эса 45,1 фоизни ташкил этган. 1995-2005 йиллар давомида пахта хом-ашёси етиштиришда ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб борган. Жумладан, 1 кг. ўғит ҳисобига 1995 йилда 11 кг. Пахта хом-ашёси етиштирилган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 8,8 кгни ташкил этган.

. Бу каби ҳолатни ёнилғи мойлаш материаллари бўйича ҳам кузатиш мумкин, агар 1995 йилда 1 кг, дизель ёнилғиси ҳисобига 8,5 кг, пахта хом-ашёси етиштирилган бўлса, 2005 йилда 7,3 кгни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар 2015 йилга бориб мос равишда 13,8 кг ва 10,1 кг га етказилиши керак (1-расм).

1-жадвал. Республика қишлоқ хўжалигини асосий турдаги ресурслар билан таъминланиш даражасининг ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	1990 й	1995 й	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й
Жами суғориладиган ерлар, минг га	4221,8	4257,6	4293,4	4186,2	4168,4	4147,6
Ш.ж. Хайдаладиган ерлар, минг га.	4176,5	4116,5	4056,6	4042,7	4022,5	4002,4
Қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик ишчилар сони, минг киши.	3466,9	3484,7	3093,0	3028	2492,8	2420,8
Ўртача бир ишчига тўғри келадиган ҳайдаладиган ер, га.	1,20	1,18	1,31	1,33	1,61	1,65
Жами энергетик қувватлар, минг от кучи.	27412,0	21896,0	15904,0	13028,4	18197,8	22029,2
Энергия билан таъминланиш (100 га ҳайдадиган майдон ҳисобига, (4 қ-р : 2 қ-р х 100) от кучи.	656,3	531,9	392,1	322,2	452,4	550,4
Энергия билан қуролланиш (ўртача йиллик ишчи. Ҳисобига), (4 қ-р : 3 қ-р) от кучи.	7,9	6,3	5,1	3,2	7,3	9,1
Барча турдаги минерал ўғитлар билан ҳақиқатда таъминланиш, минг тонна (физик ҳолда), ш.ж.	740,6	543,1	755,4	702,9	1324,0 ^x	1646,6 ^x
Азотли	409,0	346,0	571,9	457,4	637,0	792,1
Фосфорли	244,8	151,5	152,4	213,5	458,0	568,2
Калийли	86,8	45,6	31,1	32,0	229,0	286,3
Барча турдаги минерал ўғитларга бўлган талаб, минг тонна (физик ҳолда)	1679,4	1703,0	1708,0	1558,19	1667,4	1742,0
Талабга нисбатан таъминланганлик даражаси, %	44,1	32,0	44,2	45,1	79,4	94,5

Изоҳ: Истиқболда ҳақиқатда етказиб берилиши башорат қилинган миқдор
Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси
маълумотлари асосида тайёрланди



1-расм. Республика қишлоқ хўжалигида 1 кг ўғит ва дизель ёнилғиси ҳисобига пахта хом-ашёси етиштириш динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалигида илгариги йирик хўжаликлар ўрнида фермер хўжаликлари сони кўпайиши, ер майдонлари ўлчамларининг кичиклашуви, кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтилиши натижасида ресурсларга бўлган талабни кескин ортишига олиб келди. Бундай вазиятда истеъмолчиларни ўз вақтида, сифатли арзон ресурсларга бўлган талабини қондириш муаммо бўлиб, натижада қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига салбий таъсир қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари билан таъминлашда юқорида айтиб ўтилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилиши лозим.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги корхоналари техника воситалари билан 1000 гектар экин майдони ҳисобига таъминланганлик даражаси меъёрга нисбатан паст. Жумладан барча турдаги тракторлар меъёрга нисбатан 64 фоиз, дон ўриш комбайнлари 83 фоиз, омочлар 70,7 фоиз, культиваторлар 73,8 фоиз ва х.к. Мавжуд техника воситаларининг 70-80 фоизи жисмий ва маънавий эскирган. Натижада пахтачиликда умумий механизация даражаси 81,9 фоиз, пахта хом ашёсини йиғиштириб олиш эса 2,5 фоизга тушиб қолган. 2015 йилгача эскирган техника воситалари 15-20 фоиздан янгиланиб борилади. Бунинг натижасида 100 гектар ҳайдов

майдони ҳисобига энергетик қувватлар билан таъминланганлик меъёр даражаси 550,4 от кучига, ўртача йиллик ишчи ҳисобига энергетик қувватлар билан қуролланганлик даражаси эса 9,1 от кучига етказилади. Истиқболда пахтачиликда умумий механизация даражаси 70-80 фоизга, пахта хом ашёсини теришда механизация даражасини 80 фоизга етказилади. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим.

-техника воситалари билан таъминланганлик даражаси бўйича (маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларни энергия билан таъминланганлик ва қуролланганлик кўрсаткичлари, сервис хизматлари турлари, технологик жараёнларни механизациялашганлик даражаси, машина ва механизмлар тизими бўйича) мониторинг ўтказиш;

-фермерлар ва мтпларни техника сотиб олиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирларини (кредитлар ажратиш, нархларни пасайтириш, лизинг тизимида рақобатни яратиш, дилерлик марказлари ва прокат пунктларини кўпайтириш) ишлаб чиқиш;

-техника воситалари билан таъминлашни икки йўналишда олиб бориш, биринчи йўналишда республика қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган техника воситалари турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, иккинчи йўналишда юқори унумли ва республикамиз шароитида мос чет эл техникасини сотиб олиш;

-техника воситаларидан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш (кадрлар малакасини ошириш, жорий таъмир, техник хизмат кўрсатишни яхшилаш орқали техникалар носозлигини камайтириш, фермерларга механизация хизмати кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиш);

-фермер хўжаликлари ер ўлчамларига мос бўлган, механизация даражасини юқори кўтаришга имкон берувчи техника тизимини яратиш;

-илғор ресурс тежовчи технологияларни жорий қилишга имкон берувчи техника воситалари тизимини яратиш, яъни янги юқори унумли техникалардан фойдаланишда уларга мос бўлган технологиялар асосида ишлатиш, мисол учун, бир ўтишда бир нечта операцияларни бажариш

(боронолаш, дискалаш, чизеллаш, молалаш, экиш), шуни ҳисобига минимал ишлов беришга эришиш, натижада ернинг табиий унумдорлигини пасайишини олдини олиш ва х.к.;

-технологик интизомга қатъий риоя қилиш ва самарали технологик сиёсат ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

-кичик габаритли техника воситаларини маҳаллий машинасозлик заводлари томонидан ишлаб чиқариш ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини улар билан таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи чет-эл заводлари ўз техника воситаларини сотиш ва лизинг асосида етказиб беришлари учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароит яратиш;

-қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ресурслар сотиб олишлари учун 7 йилга, техника воситалари сотиб олиш, илғор технологияларни жорий қилиш учун 15 йилга узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар ажратиш;

-фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминловчи ва уларга механизация ишларини бажарувчи сервис корхоналарини муқобил шакллариини тузиш;

-қишлоқ хўжалигида тармоқлар ва ҳудудларни хусусиятларини ҳисобга олиб махсус машиналар, лалми, тоғли ҳудудлар учун машиналар тизимини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

-техника воситалари эркин бозорини ривожлантириш, бунда техникаларни улгуржи ва иккиламчи бозорлари ҳамда техника воситалари прокати ва ижарасини ташкил этиш. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникалари иккиламчи бозорини вилоятлардаги ихтисослашган таъмирлаш заводларининг мавжуд салоҳиятини ишга солган ҳолда хўжаликлар, хусусий шахслар ихтиёридаги яроқсиз ҳолга келиб қолган қишлоқ хўжалиги техникалари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини тўплаб техника воситаларини таъмирлаш ва сотишни ташкил қилиш асосида шакллантириш. Техника ишлаб чиқарувчи заводларнинг дилерлик марказлари, йирик хўжаликлар ва

бошқа техник сервис хизмати кўрсатувчи корхоналар негизида техникалар прокати ва ижарасини кенг йўлга қўйиш;

-моддий-техника ресурслари билан таъминлашда лизинг тизимини янада такомиллаштириш, лизингга бериладиган техника воситалари ассортиментини кенгайтириш, лизинг компаниялари ўртасида рақобатни кўчайтириш мақсадида лизингга берувчи муқобил субъектлар сонини кўпайтириш, лизингга беришни давлат монополиясидан чиқариш, техника воситаларини сублизингга бериш амалиётига ўтиш;

-лизинг тўловлари ҳисоб-китоб шакллари танлаш ҳуқуқини лизингга олувчига бериш, яъни лизинг тўловини бир қисмини ёки тўлиғича маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилиш усулини жорий қилиш.

Республика қишлоқ хўжалигида барча турдаги минерал ўғитларга бўлган йиллик талаб 1700-1800 минг тоннани ташкил қилади. Лекин бу талабнинг 35-45 фоизи қондирилади холос. 2015 йилга бориб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш талаб даражасига етказилади. Жумладан, азотли ўғитлар 800 минг тоннага, фосфорли 600 минг тоннага ва калийли ўғитлар 300 минг тоннага етказилади. Бир комплекс гектар ер майдони ҳисобига минерал ўғит миқдорини таъсир этувчи модда (д.в.) Ҳисобида 166,7 килограммга (397,0 кг соф ҳолда) етказилади. Бир кг ўғит ҳисобига олинадиган пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини 2005 йилга нисбатан 2010 йилда 25-30 фоизга, 2015 йилда эса 50-55 фоизга оширилади. Бу кўрсаткичларга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

-комбинациялашган минерал ўғитларни (азот, фосфор, калий нисбати 1:07:05 га тенг) ишлаб чиқариш;

-минерал ўғит бериш технологиясини такомиллаштириш;

-тупроқ унумдорлигини экинларни алмашлаб экиш ҳисобига ошириш (экинлар таркибида азот моддаси тўпловчи экинлар салмоғини ошириш ҳисобига минерал ва биологик азот нисбатини 1/0,20 тенглаштириш);

-органик ўғитларни махсус майдончаларда тайёрлаш ва қайта ишланган

ҳолда далага солишни ташкил қилиш;

-минерал ўғитлар билан марказлаштирилган ҳолда фонд орқали таъминлашдан босқичма-босқич воз кечиш, биржа савдолари тизимини янада ривожлантириш;

-фермер хўжаликларида ҳар бир далани тупроқ таркибига асосан картограмма тузиш ва шу асосда ўғитлашни амалга ошириш;

-саноат, ўсимликчилик, чорвачилик чиқиндилари ва маҳаллий фосфоритлар асосида ноанъанавий ўғит турларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

-суюқ минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Қишлоқ хўжалигида экинлар структурасининг ўзгариши, қўл меҳнатининг камайиши, ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариш, янги ресурс тежовчи машиналар тизимининг яратилиши жорий этилиши оқибатида ёнилғи-мойлаш материаллари сарфини камайтиришга эришилади. Агар 2006 йилда ёмм га бўлган талаб 1250,7 минг тонна бўлса, 2015 йилга бориб ерга минимал ишлов бериш технологиясини кенг жорий этиш ҳисобига 1 гектар майдон ҳисобига ёмм сарфи деярли икки марта қисқартирилади ва жами талаб 752,6 минг тоннагача қисқартирилади. Натижада 1 комплекс гектар ҳисобига ёнилғи сарфи 188,0 кг.ни ташкил этади. Бунинг учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади.

-ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш тизимини эркинлаштириш;

-ёнилғи кам сарф қилувчи техника, технологиялар ва тадбирларни кенг жорий қилиш;

-ёнилғи-мойлаш материалларини биржа орқали сотиш тизимини такомиллаштириш;

-ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича инфратузилмани объектларини ривожлантириш;

-ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминловчи корхоналар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш.

Республикада уруғ етиштиришни яхшилаш ҳисобига четдан уруғ олиб келишни қисқартириш ва уруғ экспортини кенгайтириш. Натижада маҳсулот экспорти тушумида уруғ экспорти тушуми салмоғи 25 фоизгача етказилади. Уруғ экишда илғор технологиялар ва сеялкаларни, яъни аниқ экувчи ва камров кенглиги катта бўлган сеялкаларни кенг қўллаш орқали уруғ сарфи экин тулари бўйича 1,5-2 баробарга камайтирилади. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- юқори ҳосил ва сифатли маҳсулот етиштириш имкониятини берувчи янги навлар яратиш;

- маҳсус уруғчилик фермерларини ташкил қилиш;

- уруғлик материалларини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш;

- барча қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини босқичма-босқич ўзимизда ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш;

- дончиликда ҳосилдорликни ошириш мақсадида фақат биринчи ва иккинчи репродукция уруғини экиш;

- сабзавот ва полиз экинлари уруғчилигини мамлакатимизда супер-элита, элита ва юқори репродукцияли уруғларини ишлаб чиқариш бўйича ягона давлат дастурини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекциясини қўллаб-қувватлаш, хусусан нав муаллифлари ва селекционер олимларни моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш.

Истиқболда қишлоқ хўжалиги соҳасида сарфланаётган ресурс бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш бош масала бўлиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳоловчи асосий мезон бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмларни жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти натижаларини баҳолашда

ресурс бирлиги ҳисобига олинган маҳсулот миқдорини асосий мезон сифатида қараш;

-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ресурсларни тежаш эмас ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш тамойили асосида ривожлантиришни йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Бу хусусият қишлоқ хўжалигида ресурслар самарадорлигини ошириш механизмини ишлаб чиқишни ва бунда бир томондан бугунги ва олдинги меҳнат сарфининг самарасини оширишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан ердан ва биологик потенциалдан фойдаланишда экологик мувозанатнинг бузилишига йўл қўймаслик лозим.

Ҳар бир технологик жараён ресурслар самарадорлигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, амалга оширилаётган ҳар бир агротехник тадбир ўсимликлар ҳосилдорлиги, меҳнат унумдорлигининг ошишини ва сарф ҳаражатларни камайтиришни таъминлаши лозим. Булар ресурслар самарадорлигини оширишнинг комплекс равишда ташкил қилинишини тақозо этади.

Буларнинг барчасини ҳаётга тадбиқ этиш мутахассислар, раҳбарлар, фермерлар билимига, уларнинг тадбиркорлигига, интеллектуал салоҳиятига ва моддий манфаатдорлигига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда қишлоқ хўжалигида эътиборни “камҳаражатлилиқ технологияси”га эмас, балки “ресурслар самарадорлигини ошириш технологияси”га қаратилиши, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, шунга асосланган бўлиши керак.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан интеллектуал ресурс бойлиги ва ундан самарали фойдаланишга боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, нафақат қишлоқ хўжалигида, балки иқтисодиётнинг барча соҳасида ҳам интеллектуал ресурс ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил қилади. Бошқа турдаги ресурслар самарадорлигига фақат интеллектуал ресурс таъсир кўрсатиши ва уни мувофиқлаштириб бориши мумкин. Бошқа турдаги ресурслар эса бир бирининг самарали ёки самарасиз

бўлишига таъсир кўрсата олса ҳам бу жараёни мувофиқлаштиришга қодир эмас.

Шу боис бугунги кунда қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини оширишга катта эътибор бериш лозим, бинобарин интеллектуал салоҳияти юқори бўлган кадр бошқа турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш фаолияти даромадлилигини таъминлашга катта ҳисса қўшиши мумкин.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш тизими ўтган йиллар ичида ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тубдан ўзгартирилди, бир-бирига боғлиқ тармоқлар ўртасидаги институционал бошқарув ва иқтисодий муносабатларда бозор муносабатларини жорий этила бошланди. 1990-1994 йилларда маҳсулот етиштириш, сақлаш ва сотиш тизимларидаги ҳар бир субъект ўзининг фаолияти учун масъулият ва жавобгарликни ҳис қилган ҳолда ҳамкорлик қиладиган ташкилот ёки корхоналарнинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти билан қизиқмас эди. Мавжуд иқтисодий – шартномавий муносабатлар амалда ишлаб чиқарувчи-деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигига зид бўлиб, аксинча, маҳсулотни сақлаш ва сотиш тизимидаги корхоналарнинг манфаатини рағбатлантирар эди.

Республикамизда 1994 йилдан бошлаб давлат эҳтиёжи учун харид қилиш тизими эркинлаштирилиб, стратегик маҳсулот сифатида фақатгина пахта ва ғалла маҳсулотларига давлат буюртмаси сақланиб қолди, қолган барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мустақил равишда етиштириш ва эркин тасарруф этиш ҳуқуқи берилди.

Ўтган йиллар ичида пахта хом ашёсини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари давлат тасарруфидаги акционер жамият сифатида фаолият кўрсатиб, уларда пахта хом ашёсининг 100 фоизи қайта ишланмоқда. Олинган жами пахта толасининг 30 фоизи чуқур қайта ишланиб, ички ва ташқи бозор учун тайёр ёки ярим тайёр маҳсулот чиқарилмоқда. Қолган 70 фоиз пахта толаси хорижга ҳар йили экспорт қилиниб, асосий валюта тушумини

таъминламоқда.

Етиштирилган бошоқли доннинг 2200,0-2250,0 минг тоннаси (жами бошоқли доннинг ўртача 35 фоизи) тайёрлов корхоналарида тозаланиб, ун комбинатларида қайта ишланиб, аҳоли учун ун ва ун маҳсулотлари ҳолида савдога чиқарилмоқда.

Бошқа турдаги маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш тизими тўлиғича босқичма-босқич эркинлаштирилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари (мева-сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқалар) эса асосан деҳқон хўжаликларида етиштирилиб, бу турдаги маҳсулотларни қайта ишлаш ва тайёрлаш билан боғлиқ ишлар хусусий ёки қўшма корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда сабзавотнинг 12-15 фоизи, мева ва узумнинг 18-20 фоизи, сут ва гўштни 13-15 фоизи қайта ишланиб, бозорга чиқарилмоқда ёки умумий ҳолатда қарийб 80-85 фоиз маҳсулот янги узилган ҳолда истеъмол қилинмоқда.

Бугунги кунда экспорт қилинаётган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти - пахта толаси (умумий ишлаб чиқарилган пахта толасининг 68 фоизи) ташкил қилмоқда, бошқа турдаги маҳсулотлар экспорти 15 фоизни ташкил қилмоқда. Шунинг учун жаҳон бозорида тола нархини ўзгариши мамлакат иқтисодиётига ва валюта тушумига катта таъсир кўрсатмоқда. Мамлакат аграр тармоғи иқтисодиётини ва валюта тушумини пахта толасига боғлиқлигини камайтириш учун мева, сабзавот, мойли экинлар (ўсимлик ёғи ва ҳаказо) экспортини кўпайтириш ва бу турдаги маҳсулотлар экспорти тармоқ экспорт ҳажмининг 60-65 фоизини ташкил қилиши лозим. Ушбу ҳолда тармоқ экспортида валюта тушумини бир меъёрга ушлаб туриш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш тизимини бир-бирига яқинлаштириш ва таркибий боғлиқ тизимни шакллантириш мақсадида тайёрлов ташкилотлари тугатилиб, улар ўрнида улгуржи ва деҳқон бозорлари, агрофирмалар, савдо уйлари каби янги шаклдаги субъектлар ташкил қилиниб, ривожлантирила бошланди.

Маълумки, республикамизнинг ҳар бир минтақаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўтган йиллар ичида бозор ислоҳоти ва иқтисодий эркинлаштириш натижасида ҳар бир минтақада мева-сабзавотчилик ва боғдорчилик—узумчиликка ихтисослашган хўжаликлар томонидан маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш тизими тубдан ўзгарди. Давлат тизимидаги тайёрлов корхоналари ўрнида акционер, хусусий ёки қўшма шаклдаги ихтисослашган корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Қайта ишлаш корхоналари эса тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётган ёки бозор талабларига кўра ўз ихтисосликларини тубдан ўзгартираётган бўлса, қўшма ва хусусий шаклдаги кичик корхоналар эса маҳсулот етиштирувчи деҳқонлар билан шартномавий-иқтисодий муносабатларни бозор талабларига мувофиқ шакллантира олмаётганликлари натижасида йил давомида маҳсулотлар нарх-навосининг ўзгариб туриши, кўп ҳолатларда нарх-навони кўтарилиши ёки маҳсулот танқислиги каби ҳолатлар юзага келмоқда. Ушбу ҳолатлар пировард натижада бир-бирига узвий боғлиқ бўлган бутун агросаноат мажмуининг иқтисодий барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Худди шунингдек, чорвачиликка ихтисослашган ҳудудларда ҳам чорва маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашдаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар бузилганлиги оқибатида маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни камайтириш ёки уларни нобуд бўлиш ҳоллари юз бермоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш пировард натижада:

- Маҳсулотларни узоқ муддат сақлашга эришиш;
- Маҳсулотларни узоқ масофага, жумладан экспорт қилиш мақсадида транспортда ташиш;
- Маҳсулотларнинг нобуд бўлишини камайтириш;
- Маҳсулотлар пишиб етилган қисқа даврда уларни сотиб олиш ва нарх-навосини тушиб кетишини олдини олиш;
- Маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида қўшимча ишчи ўринларини

яратиш;

-Маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида даромад миқдорини оширилишига эришилади.

Маҳсулотларни тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш қишлоқ хўжалигининг иқтисодий барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган ҳудудларда маҳсулотларни етиштириш, ҳосилни йиғиш, транспортда ташиш ва уни қайта ишлаш корхоналарига топширишгача бўлган босқичда айрим йилларда 20-30 фоизи нобуд бўлмоқда.

Шунинг учун республикамизнинг барча ҳудудларида аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш ёки қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарни ташкил этиш орқали аҳолига тайёр маҳсулотларни етказиб бериш нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нобудгарчилигини олдини олиш, балки хўжалик ва ташкилотларнинг молиявий барқарор ривожланишини таъминлаш, янги иш ўринларини очиш эвазига меҳнат бандлиги даражасини ошириш имкониятини яратади.

Республикамиз агросаноат мажмуида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизиминининг узвий боғлиқлигини таъминлаш асосида бутун мажмуанинг иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш учун қуйидаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Давлат томонидан бозор тамойиллари ва иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, амалдагиларини такомиллаштириш;

Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун зарур бўлган моддий-техника воситалари ва айланма маблағларни сотишга ихтисослашган махсус улгуржи – чакана савдо дўконларини ташкил этиш ва ривожлантириш, уларни

республикамизда ва хорижда ишлаб чиқарилган ресурслар билан таништириш ҳамда тегишли маслаҳатлар кўрсатишга ихтисослашган ҳудудий кўргазмаларни доимий ташкил этиш;

Фермер ва деҳқон хўжаликлари билан тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, жумладан тўғридан-тўғри шартномалар тузишни рағбатлантириш асосида бўнаклаш ва якуний ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш;

Маҳсулот етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирларни бажаришга ихтисослашган хизмат кўрсатувчи инфратузилма шахобчаларни ташкил этилиши ва ривожлантирилишини иқтисодий рағбатлантириш;

Айрим фермер хўжаликлари томонидан маҳсулотларни саралаш ва сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этилишини иқтисодий рағбатлантириш мақсадида имтиёзли кредит ажратиш, хориждан технология ва асбоб-ускуналар олиб келиш билан боғлиқ жараёнларни эркинлаштириш;

Фермер хўжаликларини ихтиёрий ва ўзаро келишилган ҳолда иқтисодий ҳамкорлигини ошириш мақсадида маҳсулотларни тайёрлаш ва қайта ишлашни кучайтиришга ихтисослашган «кооператив» субъектларни ташкил этилишини рағбатлантириш;

Республикамизда деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда агрофирмалар ўртасида кўнгилли ва ихтиёрий бирлашиш асосида кооперация муносабатларини ташкил этиш, шунингдек улар томонидан импорт йўли билан шартнома асосида олиб келинаётган мини технологик цехлар, қурилма ва асбоб-ускуналарга имтиёзларни доимий белгилаш;

Ҳудудий супермаркет ва ихтисослашган улгуржи бозорлар ташкил этилиши ва ривожлантирилишини рағбатлантириш;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини эркинлаштириш мақсадида уни иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, экспорт қилиш билан боғлиқ тизимдаги ҳужжатлаштириш жараёнларини, айниқса рухсатнома олиш, лицензиялаштириш ва сертификатлаштириш билан боғлиқ тизимни

соддалаштириш;

Озиқ-овқат маҳсулотлари, энг аввало мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларининг маркетингини ривожлантириш асосида мамлакатда етиштирилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми, нарх-навоси бўйича чораклик ва йиллик ҳақиқий ва истикбол кўрсаткичларидан иборат бўлган маълумотларни доимий нашрини тармоқ газеталарида чоп этиб бориш;

Мажмуага чет ва ички инвестиция жалб этилишини иқтисодий рағбатлантиришга қаратилган қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек инновацион янгиликларни жорий қилинишини рағбатлантириш бўйича иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш;

Янгидан ташкил этилаётган агрофирмалар фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида уларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишида мавсумий имтиёзлар қўллаш, илғор технологияларни импорт йўли билан олиб келиниши ва қишлоқ ҳудудларида янги ишчи ўринларини ташкил этилишини иқтисодий рағбатлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратишни йўлга қўйил зарур. Ушбу тадбирларни босқичма-босқич амалиётга жорий қилиниши 2010-2015 йилларгача қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан мева-сабзавотнинг 35-40 фоизи, узумнинг 50 фоизи, сутнинг 30 фоизи ва гўштнинг 40 фоизини қайта ишлашни амалга ошириш, қишлоқ ҳудудларида янги ишчи ўринларини яратиш ва қўшимча даромадни кўпайишини, пировард натижада бутун тизимни барқарор ривожланишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишида маҳсулот етиштириш харажатларини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, харажатларни бошқариш қишлоқ хўжалиги барқарорлигига, соҳада молиявий ҳолатни яхшилаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, етиштириладиган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш орқали таъсир кўрсатади.

Лекин, бугунги кунда бу жараён бир тизимга солинмаган ва давлат томонидан назорат етарлича ўрнатилмаган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нарх белгилаш (давлат буюртмаси бўйича) услубиёти ҳам

харажатларни кўпайтиришга интилишни рағбатлантириш асосида олиб борилмоқда. Яъни, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимида маъмурий услубларнинг сақланиб қолиши, хусусан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш тизимида монопол муҳитнинг мавжудлиги ва эркин бозор муносабатлари ривожланишига шароитлар етарли эмаслиги, маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш учун деҳқонларда манфаатдорлик уйғонишига тўсиқ бўлмоқда. Давлат эҳтиёжлари учун баҳо шаклланишида ишлаб чиқариш харажатлари асос сифатида қабул қилинаётганлиги, деҳқонларда харажатларни камайитириш эмас, балки уни ошириб кўрсатишга ҳаракат қилишларига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий мақсад режани бажаришга қаратилиб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик тушинчаси иккинчи даражали масала бўлиб қолмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайитириш, рентабелликни оширишни рағбатлантирувчи чора-тадбирлар қўлланилмаяпти, ишлаб чиқаришда иқтисодий самарали ҳосил деган тушунча эътибордан четда қолмоқда.

Маҳсулот таннархи калькуляцияси шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор харажатлар улуши ниҳоятда юқори ва қайта кўриб чиқишни талаб қилади (д.1-жадвал). Жумладан, пахтачиликда минерал ўғит 18,2 фоизни, иш ва хизматлар 11,1 фоизни ёмғир 8,5 фоизни, умумишлаб чиқариш харажатлари 5,2 фоизни ташкил қилмоқда. Иш ҳақининг улуши эса, охириги беш йил давомида 7,7 фоизга камайиб, 36,8 фоизни ташкил қилган.

Маҳсулот етиштириш жараёнида оғир техника воситаларини далага 15-20 марта ортиқ киритилиши ва ишлаб чиқариш ресурслар нархларининг ўсиш суръатлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосининг ўсиш суръатларидан юқорилиги минерал ўғит, иш ва хизматлар харажатларини кескин ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Келажакда (2015 йил) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, минимал

технологияларни қўллаш тизимига ўтиш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг ўзаро муносаббатини таъминлаш ҳамда турли элементларга бўй ўғитларни қўллаш ҳисобига минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш натижасида пахта хомашёсини етиштириш учун қилинадиган харажатларда ём 6,5 фоизга, минерал ўғитлар 16,5 фоизга, иш ва хизматлар 10,5 фоизга, бошқа харажатлар улушини эса 5,0 фоизга камайтириш орқали иш ҳақи улушини 50,0 фоизга этказиш лозим. /алла етиштиришда ҳам ём, минерал ўғитлар, иш ва хизматлар ва бошқа харажатлар улушини камайтириш ҳисобига иш ҳақи улушини 25,0 фоизга этказиш зарур. Бу жараён давлат томонидан бошқарилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, БМИ иши жараёнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Банк тизимини такомиллаштириш борасида бир канча муаммолар мавжуддиги аён бўлди. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини такомиллаштириш ва ундаги муаммоларни ҳал қилиш учун ***қуйидаги тавсиялар ва таклифларни*** бериш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Банк тизимининг барқарорлигига эришиш учун юқори даражадаги ихтисослаштирилган банк операцияларинидан воз кечиб, универсал банк операцияларини қўллашга ўтиш керак.
2. Марказий банкнинг фоиз ва қайта молиялаштириш сиёсатини янада такомиллаштириш зарур. Шунингдек, Пул-кредит сиёсатининг бозор воситаларини такомиллаштириш мақсадида Марказий банк облигациялари ва депозит сертификатлари билан очик бозордаги операциялар ҳажмини кенгайтириш лозим.
3. Давлат-тижорат банкларини хусусийлаштириш, мавжуд банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва янги банкларни, шу жумладан, хорижий банклар булимларини очишни рағбатлантириш йўли билан банк тизимида соғлом рақбат муҳитини яратиш.
4. Аҳоли ва корхоналарнинг банк тизимига бўлган ишончини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш, бунинг учун эса, аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизими самарадорлигини янада ошириш ва тижорат банклари томонидан солиқ тўлашни тартибга солиш мақсадида **«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонд и»**га тўланган мажбурий бадаллар ҳисобидан тижорат банкларига солиқ тўлашда енгилликлар бериш ёки фондга ортиқча ўтказилган маблағлар қайтарилганда ушбу маблағ ҳисобидан даромад солиғи тўламаслик
5. Инвестиция жараёнларини фаол иштирокчилари сифатида

тижорат банкларининг ролини ошириш. Бунинг учун эса, банкларни узок муддатли инвестицияларига маблағ кўйилишига раъбатлантирадиган механизмларни ишлаб чиқиш зарур. *Бундай раъбатлантирадиган ишлар каторига қуидагиларни киритиш мумкин:*

- Инвестициялардан минимал солиқ олиш.
- Иш хакига йўналтириладиган маблағдан солиқ олишда каттик кул бўлиш.
- Банклардан солиқ олишнинг схемасини ўзгартириш ва бошқлар.

6. Банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳамда хусусий тадбиркорларни молиялаштиришдаги ролики *ошириш* ҳамда чет эл кредит линияларидан *самарали фойдаланиш* учун:

- Манфаатдор вазирликлар вайдоралар, ташкилотлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг «Ягона давлат дастури» ни ишлаб чиқаришлари, Ушбу дастурда жўррофий ҳолатни, транспорт инфратузилмаси, муҳандислик — коммунал инфратузилма, хом — ашё, моддий — техника, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари мавжудлигини, ички бозор эҳтиёжлари ва минтаканинг экспорт имкониятларини, шунингдек, молиялашнинг потенциал манбаларини ҳисобга олган ҳолда КУБ ни мувозанатлаштириб ривожлантириш керак.

- Тадбиркорларда банк кредитларини олиш учун гаров таъминоти етишмаслиги, йўқлиги аён бўлиб қолмоқда. Чет элдаги илғор тажрибадан фойдаланган ҳолда республикада ҳам «*КУБ ни қўллаб—қувватлаш давлат кафолат фондини*» ташкил қилиниш мақсадга мувофиқдир. Бунда давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан тушадиган, КУБ соҳасига (бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа фонддарга) йўналтириладиган маблағлар фонд ресурсларини шакллантириш учун потенциал манбалар бўла олар эди.

7. Банк капиталининг иқтисодий моҳияти хусусида ҳамон ягона илмий

ёндашув мавжуд эмас. Олимларнинг банк капитали хусусида берган таърифларининг қиёсий таҳлилига таянган ҳолда унга: «Тижорат банкларининг капитали барқарор манба бўлиб банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир», -деган таъриф берилди.

8.Тижорат банкларининг капитали икки қисмдан, яъни асосий капитал ва қўшимча капиталдан иборат бўлиб, асосий капитал барқарорлиги жиҳатидан қўшимча капиталга нисбатан устун турувчи молиялаштириш манбаидир. Таҳлил қилинган давр мобайнида, тижорат банкларининг асосий капитали таркибида устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисми пасайиши тенденциясига эга эканлиги аниқланди. Тижорат банклари устав капитали ҳақиқатда тўланган қисмининг асосий капитал ҳажмидаги салмоғи пасайишига йўл қўймаслик зарур.

9. Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келмоқда, ҳар минг киши номига 1 минг 28 та банк ҳисобрақами очилгани халқаро нормалар бўйича «юқори» деган баҳо кўрсаткичига мос келади. Шу ўринда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган «барқарор» рейтинг даражасини олишга эришди.

10.Тижорат банклари жами капиталининг юқори ўсиш суръатлари асосан махсус захиралари ҳисобидан таъминланмоқда, махсус захиранинг асосий улуши эса девальвация захираси ҳиссасига тўғри келади. Капитал таркибида ушбу модда нобарқарор молиявий манба эканлигини ҳамда асосий

капиталнинг етарлилиги миқдорининг сезиларли даражада юқорилигини инобатга олиб, девальвация захирасини асосий капитал таркибидан қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

11. 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилди. 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади. Молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2013 йилги 23 фоиз даражасида сақлаб қолинади. Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади.

12. Тижорат банклари капиталининг таркиби таҳлил қилинганда улардаги қўшимча капитал базаси заиф эканлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаблари уларнинг қўшимча капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарга қилинган қўйилмалар мавжуд эмаслиги, субординациялашган қарз мажбуриятларидан фойдаланиш тартиби ижобий ечимини топмаганлиги ва берилган кредитларнинг қайтармаслиги натижасида йўқотиш мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси миқдорининг пастлигидир. Демак, тижорат банклари қўшимча капитал базасини мустаҳкамлашда мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

13. Миллий иқтисодиётда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини ушбу бозорда доимий олди-сотди объектига айланишига тўсқинлик қилмоқда. уларнинг капитали таркибида эмиссион даромадларнинг вужудга келиш имкониятини бермаяпти, акцияларнинг

бозор баҳосини шаклланишига иқтисодий муҳит яратилмаяпти. Шунингдек, банк акциядорларини моддий жиҳатдан манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг банк бошқарувидаги иштирокини фаолаштиришга иқтисодий эҳтиёж туғдирмаяпти. Ушбу ҳолатларни ижобий ҳал этиш мақсадида, тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг қўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим.

14.Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг асосий усуллари тўртта бўлиб, улар банк устав капиталининг барқарор даражасини таъминлаш банк умумий капиталининг етарлилигини таъминлаш, банк асосий капиталининг етарлилигини таъминлаш ва банк капиталидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади. Тижорат банкларининг капиталини самарали бошқариш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ушбу усулларни тўлиқ ишлашини таъминлаш зарур.

15.Мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорида таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда. Хусусан, 2013 йил давомида инфляция ва пул массасининг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида диверсификацияланган мажбурий резерв нормалари қўлланилиб, тижорат банклари томонидан жалб қилинган юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатли депозитлари учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди. 2013 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 463,1 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 25,2 фоизга кўпайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фон биржаси тўғрисида»ги Қонуни. –Т.:”Ўзбекистон”, 2003.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни.- Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлидан» 3-том. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. -267 б.
7. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» 6-том. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. -326 б.
8. Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз». 9-том. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. - 440 б.
9. Каримов И.А. «Биз танлаган йўл – демократив тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли». 11 –том. –Т.:”Ўзбекистон”, 2003. -319 б.
10. Каримов И.А.. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. 12-том. –Т.: «Ўзбекистон», 2004. -340 б.
- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.-Т.: Ўзбекистон. 2011. -337 б.
12. Каримов И.А. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.// Халқ сўзи. 18.01.2014 й.

- 13.Абдуллаев Ш.З. Банк иши. –Т.: Молия, 2000. -311 б.
- 14.Абдуллаев Ш.З. Пул кредит ва банклар. – Т.: Молия, 2000. -312 б.
- 15.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. -304 б.
- 16.Ачилов М.Ф. Алиев М.Г. Котов В.А. Тешаев Ш.Ж. Хамидулин М.Б. Ринок капитала Узбекистана: Вчера, сегодня и завтра. – Т.: Молия, 2002, - 268 б.
- 17.Акромов Б. Андижон вилояти банклари: иқтисодиёт барқарорлигини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдаги фаоллик. // Бозор, пул ва кредит.№19, 196, 2013й.
- 18.Аликориев О. Молиявий хизматлар сифатини ошириш масалалари// Бозор, пул ва кредит.№2, 326, 2014й.
19. Батурина В. Роль малого предпринимательства в строительстве на селе современного индивидуального жилья. // Бозор, пул ва кредит.№6, 476, 2013й.
- 20.Бекмуродов А. Замонавий банкларда кредит скоринг талаблари ва уни такомиллаштириш йўллари // Бозор, пул ва кредит.№2, 106, 2014й.
- 21.Акромов Б. Бухоро вилояти банклари: мамлакат иқтисодиёти ривожига амалий саъй-ҳаракатлар аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. // Бозор, пул ва кредит.№10, 146, 2013й.
- 22.Белих Л.П. Устойчивость коммерческих банков. Как банком избежать банкротства. -М.: Банки и биржи. ЮНИТИ, 1996.
- 23.Василишен Э.Н. Регулирование деятельности коммерческих банков. – М.: Финансы и статистика, 1995 .
- 24.Газибеков Д.Г. Собиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане –Т.: Молия, 2001
- 25.Грязнова А.Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. – М.: Финансы и статистика, 2002.
- 26.Долан Эдвин Дж, Колин Д.Кампбелл. Деньги, банковское дело и денежно кредитная политика. Пер. с англ. –М.: ИНФРА-М, 1996.
27. Джунайдуллаев Д. Качество человеческого капитала и экономический

рост Узбекистана // Бозор, пул ва кредит.№1, 65б, 2014й.

28.Джанизакова С. ИКТ-технологии для корпоративных клиентов и финансового сектора. // Бозор, пул ва кредит.№10, 60б, 2013й.

29. Каримова Д. Увеличение платежеспособного сросо населения – основа развития предпринимательства и экономического роста. // Бозор, пул ва кредит.№10, 44б, 2013й.

30.Кадиров А.К., Каралиев Т.М Омонов А.А. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. -Т.: «Узбитцентр», 1991. 64 б.

31.Киселев В.В Управление банковским капиталом: теория и практика. Российская академия предпринимательства. -М.: «Экономика», 1997. -256 б.

32.Лаврушин О.И.и др. Банковкое дело. –М.: Финансы и статистика, 2001.

33.Маликов Т.С Молиявий қарор қабул қилиш асослари. –Т.: Шарқ, 1996.

34.Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. –Т.: Молия, 1999.

35.Маркова О.М. и др. Комерческие банки и их операции. – М.: «ЮНИТИ», 1995. -288 с.

36.Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. –Т.: Ўзбекистон, 2001. -304 б.

37. Муллажонов Ф. Барқарор банк тизими мамлакат иқтисодиётининг мустахкам таянчидир // Бозор, пул ва кредит.№1, 4б, 2014й.

38.2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Бозор, пул ва кредит.№1, 2014й 14бет.

39.Мавлонова Н. Йилнинг энг яхши омонатлари // Бозор, пул ва кредит.№2, 13б, 2014й.

40.Мухтарова Д. Эволюция требований Базельских нормативов по банковскому надзору. // Бозор, пул ва кредит.№2, 37б, 2014й.

41. Мадалиев Т. Қишлоқ аҳолисининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш. // Бозор, пул ва кредит.№10, 10б, 2013й.

42.Нурмуратов Ж. Залоговый реестр – фактор развития финансового рынка. // Бозор, пул ва кредит.№1, 35б, 2014й.

43. Ниязов Ф. Залоговый реестр – новые возможности для развития малого бизнеса. // Бозор, пул ва кредит. №6, 376, 2013й.
44. Насыров Ш. Кредитное – Новые задачи и перспективы. // Бозор, пул ва кредит. №6, 416, 2013й.
45. Нурмухамедов М.Б. Қоралиев Т.М., Холмахмадов З.А. Хўжалик юриштининг ҳозирги шароитида кредит механизми ва банклар. -Т.: Молия, 1991.
46. Под ред проф О.И. Лаврушина Банковское дело. –М.: Финансы и статистика, 2001.
47. Информация о социально - экономическом развитии Сырдарьинской области на 2013 и основные приоритеты на 2014 год. Данные управления экономикой Сырдарьинской области. - Гулистан. 2014.
48. Суннатов Г. Горно-металлургическая отрасль Узбекистана: тенденции и перспективы. // Рынок деньги и кредит, №11. 2011г.
49. Сатторов Б. Банкларнинг инвестицион фаоллиги – иқтисодий натор корхоналар фаолияти ривожига хизмат қилмоқда. // Бозор, пул ва кредит. №10, 566, 2013й.
50. Сатторов М. Банкларнинг траст операциялари хорижий тажриба асосида. // Бозор, пул ва кредит. №6, 66, 2013й.
51. Рахимова Х. Внедрение единой информационной ресурсной базы в банковско-финансовой и таможенной сферах. // Бозор, пул ва кредит. №6, 526, 2013й.
52. Рахимов Т. Ўзбекистон ташқи савдосини диверсификация қилиш мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш омили. // Бозор, пул ва кредит. №6, 636, 2013й.
53. Омонов А., Абидов М. Тижорат банкларида молиявий ҳисобни юришти масалалари. // Бозор, пул ва кредит. №6, 676, 2013й.
54. Шохмансур Шохазамий. Государственная инвестиционная политика Узбекистана // Рынок деньги и кредит, №4. 2012г.
55. Убайдуллаев С. Особенности экономического роста в современных

условиях.// Рынок деньги и кредит, №11. 2011г.

56.Умаров Б. Поддержка малого бизнеса и частного предпринимательства. // Рынок денги и кредит, №04. 2011г.

57.Эрдонаев А. Банк соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш. // Бозор, пул ва кредит.№10, 4б, 2013й.

58. Яркулов Х., Жуманазаров У. Пластик карточка – бугунги зарурат// Бозор, пул ва кредит.№2, 11б, 2014й.

Интернет сайтлари

62.www.mf.uz сайт Министерство финансов Республики Узбекистан

59.http://www.nao.gov.uk (UK National audit office)

60.http:// www. buhgalteria. com. Ua

61.www. gaap.ru (Халқаро стандартлар)

62.www. buhgalt.ru (Российский журнал «Бухгалтерский учет»)

63.www. consult.ru (Бухгалтерские консультации)

64.http: // www. apb.ord.uk (Auditing Practices Doard)

65.http:// www. nao.gov.uk (UK National Audit Office)